БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил
25 январь
Пайшанба
№ 18 (13.454).
Баҳоси 3 тийин.

• Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ ВА РАСМ-РУСМЛАРИНИ ТИКЛАЙЛИК

Тошкентда «Наврўз» байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жумҳурият ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Ташкилот комитети аъзолари — бир қанча министрликлар ва идоралар, идеологик муассасалар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакиллари — халқ байрамлари ва расм-русмларини янада такомиллаштириш, уларнинг меҳнаткашларни маънавий-ахлоқий, байналмилалчилик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини ошириш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилдилар. Жамиятни янгилашнинг ҳозирги ҳал қилувчи босқичида, миллий ўзлигини англашнинг жадал кучайиб бораётган жараёнида асоссиз унутиб юборилган халқ анъаналарини қайта тиклаш, уларни бугун чоралар билан бойитиш ва ривожлантириш масалалари тобора катта аҳамият касб этаётганлиги уқтирилди. «Наврўз» қадим-қадимда Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда жуда кенг тарқалган азалий халқ байрамларидан ҳисобланади.

Ушбу байрам негизини деҳқон меҳнатини қадрлаш, табиатни эъзозлаш-асраш, одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш, саҳийлик қилиш, тинчликка ва яхши қўшничиликка интилишнинг ажойиб анъаналари ташкил этади.

«Наврўз»ни жумҳуриятда кенг байрам қилиш тўғрисида таклиф киритилди. Ўзбекистон ССР Министрликлари, идоралари, жамоат ташкилотларига, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситаларига ана шу ҳақиқий байналмилал халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ-равшан топшириқлар берилди.

Кейинги йилларда ошкоралик, демократия, қайта қуриш борасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ташкил этилган идеология комиссияси халқимизнинг таклиф ва талаблари, истак ва интилишларини ҳисобга олиб, бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Шундай тадбирлардан бири сифатида идеология комиссиясининг январь ойида ўтказилган йиғилишида «Наврўз» байрамини ўтказишга оид масалалар кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг халқимиз маросимлари, урф-одатлари ва байрам тадбирлари борасидаги амалий тадбирлари меҳнаткашлар, кенг жамоатчилик томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, «Наврўз» байрамининг тикланиши ва 21 март кунининг дам олиш куни сифатида белгиланиши билан халқимизнинг узоқ йиллик армонлари ва эзгу-орзуси амалга ошди.

«Наврўз» халқимизнинг она ерга бўлган муносабати, билиб, тушуниб фойдаланиш, унга эҳтиёткорона, экологик сифатини, ҳолати, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кишиларда табиат ва у барпо этган эҳсонларга муҳаббат билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтирган. Наврўз деҳқонларнинг баҳорда дастлабки ишлари билан боғлиқ маросимларидир. «Наврўз»нинг охирги кунлари ерларни шудгорлаш, дон, экин экиш. Худди шу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда «Қўш қўшиш», «Қўш ошиш», «Биринчи чигит» («Экиш сайли») каби кўплаб удумлар вужудга келган. «Наврўз»нинг жуда катта, буюк тарбиявий хусусиятларини, одамийлик, инсонпарварлик, умумбашарий сифатларини таъкидламоқ лозим. Аввалимбор, «Наврўз» кунлари мамлакатлар, шаҳар орасидаги ҳар қандай урушлар, жанжалли масалаларга чек қўйилган, кишилар орасидаги хафачиликлар унутилган, урушган, аразлашган одамлар бу кунлари ярашиб, бир дастурхон атрофида давра қурганлар. «Наврўз» кунлари бутун халқ хушчақчақлик билан ҳордиқ чиқарган. Март ойининг бошланиши биланоқ катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қариялар янги мавсум режалари хусусида фикрлашганлар, намгарчиликка, об-ҳавога қараб, қайси ерларга қандай экин экиш, сувнинг қандай (озми, кўпми) бўлиши ва уни тежаб-терғаб тақсимлаш, қайси кундан бошлаб ерни ҳайдаш, чигит қадаш, от-улов, омочларни ер ҳайдашга ҳозирлаш каби кўплаб масалалар хусусида маслаҳатлашиб олганлар. Шунинг учун «Наврўз» байрами 21—22 март кунлари — кун билан тун тенг келган куни янги йил сифатида хушчақчақ ўтказиладиган байрам, деган фикр билан чекланмаслигимиз лозим. «Наврўз» март ойининг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз катта тайёргарлик билан ўтказадиган баҳор байрами ҳисобланади. «Наврўз» байрамига баҳор ойларида ўтказиладиган деярли барча удум, маросимларни киритиш мумкин. Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек, «Наврўз» янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. Наврўз... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг дастлабки томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунича ва ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, деб ҳисобланади. Биз «Наврўз»ни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида унинг даврлар, асрлар оша бизга қадар етиб келган халқчил анъаналарини тиклашимиз, уни замонамиз, халқимиз манфаатлари, ҳаёти, мақсад-умидлари билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришимиз лозим. «Наврўз» байрамини ташкил этиш ва жойларда ўтказиш, тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида идеология комиссияси жумҳурият ташкилий комитети тузилишини маъқул топди. Халқимиз ҳурмат-эътиборини қозонган партия, совет ходимлари, ижодкорлар, жамоатчилик вакилларидан ташкил топган бу ҳайъат зиммасига 1990 йилда ўтказиладиган ушбу байрамни аввалги 1989 йилга нисбатан мазмунли, қизиқарли қилиб, жумҳуриятимиз меҳнат аҳли талабларига жавоб берадиган, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат этадиган қилиб ўтказиш вазифаси юклатилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг аъзолари ташкилот комитети йиғилишида бир қатор асосли, халқимиз талаблари заминида вужудга келган мулоҳазаларни айтдилар.

> **Ўзбекистон ССР Министрлар Советида**
>
> **«НАВРЎЗ» МИЛЛИЙ БАЙРАМИ КУНИНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ҚИЛИБ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**
>
> Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Наврўз» миллий байрами кунини дам олиш куни қилиб белгилаш тўғрисидаги республика меҳнаткашларининг истакларини ҳисобга олиб, қарор қилади:
>
> 21 март «Наврўз» миллий байрами куни дам олиш куни деб белгилансин.
>
> Республика территориясида иш куни 21 мартдан ойининг сўнгги шанба кунига кўчирилсин. Шу кундаги иш учун амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартиб ва шартлар асосида ҳақ тўлансин.

«Наврўз» байрамининг асосий тадбирлари жумҳуриятимизнинг барча вилоят, шаҳар, қишлоқларида 21 март куни ўтказилади. Байрам одатдагидек кишиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари билан учрашишлари, бир-бирларини байрам билан табриклашлари, таниш-билиш, қариндош-уруғлар, бирга ишлашган ва ишлашадиган қарияларни, беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш, қабрларни зиёрат қилиш каби умуминсоний мулоқотдан бошланади.

Қадимий ва навқирон «Наврўз» жумҳуриятимизнинг турли ерларида турли шаклларда ўтган. Лекин байрам давомида полвонлар, аскиячилар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар чиқиши, созанда, навозандаларнинг ўз санъатларини намойиш этишлари, халқ сайли, ўйинлари, базмлар деярли ҳамма жойда албатта ўтказилган. Кўпкари (улоқ) чопиш, пойга каби томошалар авжга чиққан.

Ҳозирги «Хотира куни»да қилинадиган барча ишлар ўтмишда «Наврўз» байрами давомида, унинг узвий бир қисми сифатида амалга оширилган.

Айниқса, шаҳарларда «Наврўз» жуда катта тайёргарлик билан ўтказилмоғи лозим. Ҳар бир даҳада карнай-сурнай, ноғора садолари остида кишиларни йиғиш, байрам гулдасталари, шу ер кишиларига хос миллий кийиниш, миллий халқ рақс ва қўшиқлари, амалий санъат намуналари, бошқа халқ бойликларини намойиш этиш зарур. «Наврўз» байрами кунларида томоша масканларида, боғ ва майдонларда қизиқчилар, масхарабозлар, фольклор-этнографик ансамбллар, полвонлар, дорбозлар, ёш хонандаларнинг чиқишларини тайёрлаш, миллий-амалий санъат намуналари кўрик-мусобақаларини ўтказиш лозим.

«Наврўз» байрамига қардош жумҳуриятлар вакилларини таклиф, этиш ва қардош жумҳуриятларга ўз вакилларимизни юборишимиз лозим. Бундай ҳамкорлик жуда юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунончи, шу кунлардан эътиборан Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси аввалги йилларда ўтказилган «Наврўз» байрамларига бағишланган эшиттириш ва кўрсатувларнинг энг яхшиларини қайта эшиттириб ва намойиш этиб бормоқлари лозим, зеро 21 март куни ўтказиладиган байрамимиз учун уларнинг аҳамияти муҳимдир.

«Наврўз» — халқимизнинг яратувчилик меҳнати билан боғлиқ, унинг орзу-истакларини куйлаган, унинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий руҳини халқ ижоди усули ва услублари ёрдамида тараннум этган, халқимизнинг бой миллий санъатини ўзида сақлаган байрамдир.

Аминмизки, бу йилги «Наврўз» байрамини жумҳуриятимиз кишилари янада кўтаринки руҳда, удумнинг ўзига хос янги-янги қирраларини намойиш этиб, ажойиб ташкилотчилик билан нишонлайдилар. 1990 йил «Наврўз»ига кенг йўл, улкан зафарлар ёр бўлсин!

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Боку шаҳрида ва Озарбайжонда вазият мушкуллигича қолмоқда. Шаҳар ҳарбий комендантининг хабарига кўра, экстремист гуруҳлар қўшинлар билан тўқнашувлар келтириб чиқариб, жиноий ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Душанба куни кечқурун ҳарбий хизматчилар, аёллар ва болалар тушган автомашиналар карвони ўққа тутилди, қурбонлар бор. Кейинчалик газандалар ҳарбий автомашинага ва қўшинларнинг постларига ҳужум қилишди. Ўтган кеча-кундузда 62 киши қўлга тушди, 60 тадан кўпроқ ўт очувчи ва совуқ қурол тортиб олинди.

Қочоқларни кўчириш давом этмоқда. Бир кеча-кундуз мобайнида ҳаво ҳамда темир йўл транспорти орқали республикадан арман миллатига мансуб 97 киши, ҳарбий хизматчилар оилаларининг 665 аъзоси олиб кетилди. 14 январдан бери Боку шаҳридан жами 16 мингдан кўпроқ арман кўчирилди.

Айрим фуқаролар номига юмалоқ хатлар келмоқда, телефон орқали дўқ-пўписалар қилишмоқда. Комендант шаҳарликларни сабрли бўлишга, осойишталикни сақлашга чақирди ва Боку горнизони қўшинлари вазиятни назорат қилиб турибдилар, деб ишонтирди. Озарбайжон Ички ишлар министрлигининг аниқланган маълумотларига қараганда 20 январдан 22 январгача Бокуда 93 киши, шу жумладан, фуқаролардан 75 киши ҳалок бўлган, 639 киши, милиция ва ҳарбий хизматчилар вакилларидан 76 киши тан жароҳати олган.

Озарбайжон ССРнинг Москвадаги доимий ваколатхонаси минглаб ҳалок бўлганлар тўғрисида, «Қозоғистон» паромида гўёки бир ярим минг одамнинг мурдаси яшириб қўйилганлиги ҳақида тарқатаётган миш-мишлар қип-қизил ёлғондир.

Иғвогарлар. Бокудан сохта телеграммалар йўллаб, турли республикалардан келган ҳарбий хизматчилар оммавий равишда ҳалок бўлганликлари, ҳарбий қисмларнинг Озарбайжон аҳоли пунктларига гўёки ҳужум қилишни режалаштираётганликлари ҳақида ёзмоқдалар. Бу гаплар ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди.

Боку кўрфазидаги ҳарбий кемалар ҳамда Каспий флотилияси штабининг ерости иншоотларини қамал қилиш давом этмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг кийимларини кийиб олган террорчилар ур-йиқитларда иштирок этган ҳоллар ҳам бўлмоқда.

«Озарбайжон халқ фронти» намояндалари маҳаллий телевидение орқали, митингларда сўзлаётган нутқларида давлат чегараси участкаларини назоратга олган заставалар ва кичик бўлинмалар теварагида эҳтиросларни авж олдирмоқдалар. Улар иғвогарона гапларни тарқатишмоқда, жазолаймиз, деб дўқ қилишмоқда.

Шунга қарамай, чегара қисмлари ва кичик бўлинмалар ўтган кеча-кундузда Совет — Эрон чегарасининг Озарбайжондаги катта қисмини назорат остига олишга эришдилар. Чегарадан ўтиш ҳоллари анча камайди. Чегара яқинидаги қишлоқларда яшовчи кўп кишилар чегарачилар, командирлар ҳамда сиёсий ходимлар билан ҳуқуқ-тартиботни тиклашда ҳамкорлик қилишмоқда. Чегарачилар орасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар йўқ.

Тоғли Қорабоғ автоном областида маҳаллий аҳоли ёрдамида йўлларни очишга киришдилар.

22 январь куни Кавказорти темир йўлининг Садахло станцияси орқали Арманистонга 10 та юк состави, шу жумладан, ёқилғи-мойлаш материаллари ортилган 122 та вагон йўл олди.

Республика аҳолиси экстремистларнинг қуролланган гуруҳлари ҳамда жиноятчиларнинг қилаётган ҳатти-ҳаракатларидан жуда ташвишланмоқда ва ғазабланмоқда. Доимий қўрқувда яшаш ва жудоликлар одамларнинг жонига тегди. Улар рисоладагидек яшашни ва ишлашни хоҳлайдилар, ватандошларини тартиб сақлашга, ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва уларни ушлашга, тортиб олинган қурол-яроғларни топширишга чақиришмоқда. СССР Ички ишлар министрлигининг маълумотларига қараганда, ўтган кеча-кундузда Аштарак ички ишлар бўлимига илгари ўғирлаб кетилган тўппончаларни, Ереван шаҳрининг 26 Боку комиссари номли район ички ишлар бўлимига иккита тўп ва 40 та ов милтиғини қайтарганлар.

Айни вақтда республиканинг айрим ерларида қурол-яроғ ҳамда ўқ-дориларни қўлга тушириш мақсадида қўриқланаётган иншоотларга ҳужум қилиш ҳоллари бўлди.

21 январь куни Озарбайжон чегарасида бўлган отишув чоғида ўлдирилган жангарини дафн этиш вақтида қуролланган террорчиларнинг бири ўсмирни бошидан ярадор қилди.

Киев ҳарбий округи ўқув танк полкининг кўп миллатли шахсий состави (бу ерда анчагина озарбайжонлар ва арманлар бор) Озарбайжон ва Арманистон халқларига мурожаат этиб, уларни жамоаларaро тўқнашувларни тўхтатишга чақирди. Мурожаатнома матни Кавказорти республикалари газеталарига юборилди.

(ТАСС).

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

ЁШЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ

Жумҳуриятимиздаги кўпгина вилоятларда комсомол ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Уларда ёшлар ташкилотининг қайта қуриш ва ошкоралик давридаги фаолияти чуқур таҳлил қилинди, келгусидаги вазифалари белгилаб олинди. Анжуманларда Ленин комсомолининг XXI съездига делегатлар сайланди. Бугундан бошлаб газетамиз саҳифаларида делегатлар рўйхатини эълон қилиб борамиз.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

1. **Абдураҳмонов** Маҳмуд Нурматович — Ўзбекистон ЛКСМ Шўрчи ноҳия қўмитасининг биринчи котиби.
2. **Бердиёров** Холиқул — Бойсун ноҳиясидаги «Бойсун» давлат хўжалигининг бош чўпони.
3. **Жўраев** Шуҳрат Хайруллаевич — Гагарин ноҳиясидаги «Партия XXV съезди» 33-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.
4. **Каримова** Заргул Жумақуловна — Жарқўрғон ноҳиясидаги йигирув-тўқув фабрикасининг ўровчиси.
5. **Мустафоқулов** Ҳамза Ҳуррамович — Қумқўрғон ноҳиясидаги Ульянов номли давлат хўжалигининг марказий таъмир устахонаси токари.
6. **Назаров** Ўктам Жўраевич — Шеробод ноҳиясидаги Шеробод давлат хўжалиги марказий ремонт устахонасининг бригада бошлиғи.
7. **Саидмуродов** Набижон Нормўминович — Ўзбекистон ЛКСМ Термиз шаҳар қўмитасининг биринчи котиби.
8. **Сарибоева** Олия Аҳмедовна — Термиз ноҳиясидаги «Намуна» жамоа хўжалиги комсомол қўмитасининг котиби.
9. **Ҳамроева** Клара Хожиқуловна — Денов ноҳиясидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг колхозчиси.
10. **Холмонов** Ўрол — Ўзбекистон ЛКСМ Сурхондарё вилояти қўмитаси биринчи котиби.
11. **Шамбазоc** Марс Ринатович — Сариосиё ноҳиясидаги 104-автобаза мотористи.

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

1. **Аҳмедова** Шоира Ниёзовна — Вобкент ноҳиясидаги Киров номли ўрта мактабнинг муаллими.
2. **Гильязов** Фарид Фахриевич — Қоракўл ноҳияси маданият уйи рассоми.
3. **Жумабоев** Холмурод Жалилович — Ўзбекистон ЛКСМ Бухоро вилояти қўмитасининг биринчи котиби.
4. **Жарбўсинов** Норбой Хўжабоевич — Конимех ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигининг диспетчери.
5. **Қосимов** Эркин Абдусаматович — Ўзбекистон ЛКСМ Бухоро шаҳар қўмитасининг биринчи котиби.
6. **Қаюмов** Ҳакимжон Аҳмедович — Шофиркон ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг агрономи.
7. **Кровяков** Владимир Евгеньевич — Ўзбекистон ЛКСМ Навоий шаҳар қўмитасининг биринчи котиби.
8. **Курзанова** Нина Ивановна — ВЛКСМ Марказий қўмитасининг котиби.
9. **Мусаева** Маърифат Нуруллаевна — Бухоро шаҳридаги Фрунзе номли 2-ўрта мактабнинг ўқувчиси.
10. **Муродов** Нарзулло Бегмонович — Қизилтепа ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалиги комсомол қўмитасининг котиби.
11. **Раҳмонова** Шамсия Имомқуловна — Ўзбекистон ЛКСМ Бухоро ноҳияси қўмитасининг биринчи котиби.
12. **Рўзиев** Усмон Субҳонович — Ғиждувон ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалик комсомол қўмитасининг котиби.
13. **Раҳимов** Карим Наимович — Ўзбекистон ЛКСМ Пешку ноҳияси қўмитасининг биринчи котиби.
14. **Рашидов** Жўра Жалолович — Ромитан ноҳиясидаги Наримонов номли жамоа хўжалиги комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи.
15. **Ҳакимова** Дилрабо Рўзиқуловна — Навоий ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг колхозчиси.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

1. **Абдуллаев** Анвар Неъматуллаевич — Ўзбекистон ЛКСМ Наманган шаҳар қўмитасининг биринчи котиби.
2. **Бибиков** Игорь Анатольевич — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби.
3. **Ғайбуллаева** Насибахон Зиёвуддиновна — Косонсой шаҳар молия бўлимининг бюджет бўлими бошлиғи.
4. **Доулов** Алишер Абдуқодирович — Ўзбекистон ЛКСМ Поп ноҳия қўмитасининг биринчи котиби.
5. **Жўраев** Анвар Йўлдошевич — Чортоқ ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалиги комсомол қўмитасининг котиби.
6. **Маматов** Искандархўжа Қирғизбоевич — Янгиқўрғон ноҳиясидаги «Победа» давлат хўжалигининг слесари.
7. **Мўйдинов** Юнусхўжа Мирзахўжаевич — Тўрақўрғон ноҳиясидаги В. И. Ленин номли давлат хўжалигининг ишчиси.
8. **Пиримқулова** Насибахон Ашуралиевна — Норин ноҳиясидаги Ҳаққулобод шаҳридаги тикувчилик фабрикасининг ишчиси.
9. **Солиев** Ҳошимжон Толибжонович — Наманган ноҳиясидаги 25-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.
10. **Султонова** Дилфуза Комилжоновна — Учқўрғон ноҳиясидаги 3-ўрта мактабнинг бош пионервожатийси.
11. **Султонова** Зубида Эшонбохоновна — Чуст бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси.
12. **Турсунов** Муҳитдин Нуритдинович — Ўзбекистон ЛКСМ Наманган вилоят қўмитасининг биринчи котиби.
13. **Хўжанов** Маъмурали Жўраевич — Задарё ноҳиясидаги «Гигант» жамоа хўжалигининг механиги.
14. **Ҳусанова** Маъмурахон Турғунпўлатовна — Уйчи ноҳиясидаги 26-ўрта мактабнинг ўқувчиси.
15. **Ёқуббоева** Нилуфар Юсуфжоновна — Наманган Давлат педагогика институти III курс талабаси.

Жумҳурият янгиликлари

ТОШКЕНТДАГИ реконструкция қилинаётган «Эски шаҳар»нинг кўпгина аҳолиси тез орада «уйлари бузиб бўлингач», ота-боболари яшаган шу ноҳиянинг ўзидан янги квартира олиш имкониятига эга бўладилар. Бу ерда биринчи марта муваққат турар жой фонди ташкил қилинаяпти: «Узбекгидроэнергострой» трестига уйлари реконструкция қилинаётган ёки бузилаётган оилалар вақтинча кўчиб ўтиши учун 56 квартирали иккита уй қуриш топширилган. Бунда Тошкент шаҳар ижроия комитети буюртмачи бўлади, Адлия министрлиги эса икки ой муддат ичида муваққат квартиралардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиши керак.

БУХОРОДАГИ 80-дорихонада «Райҳон» фитобари очилди. Энди шаҳарликлар бу ерда кимёвий дорилар ўрнига гиёҳлардан тайёрланган шифобахш дамламаларни ичишлари мумкин. Фитобарда кўпгина касалликлардан фориғ бўлишда ёрдам берувчи 15 хил дамлама тайёрланмоқда.

САМАРҚАНД Давлат дорилфунуни янги қасб мутахассислари — астрофизикларни тайёрлай бошлади. Бу ердаги физика факультетида космос физикаси ва астрофизика кафедралари, шунингдек барча зарур ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар очилди.

Устоз журналистлар — меҳмонимиз

Жумҳуриятимиз матбуотининг жанговар нашрларидан бири ҳисобланган «Ёш ленинчи» газетаси 1-сони чоп этилган куннинг 65 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. 1925 йилнинг 8 февраль куни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг иловаси сифатида ёруғлик юзини кўрган ёшлар нашри тез орада ўз муштарийларини топди.

Газетада ўтган йиллар мобайнида ўзбек журналистикасининг равнақи учун муносиб ҳисса қўшган юзлаб малакали ва ҳозиржавоб ходимлар меҳнат қилишди. Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Шайхзода ва бир қатор бошқа ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари турли йилларда «Ёш ленинчи»да меҳнат қилишиб, ўзларининг энг яхши асарларини ёшлар матбуоти саҳифаларида эълон қилишган.

Газета юбилейи олдидан «Ёш ленинчи»да узоқ йиллар самарали меҳнат қилган бир гуруҳ ветеран журналистлар таклиф қилинди. Улар орасида 1929-37-йилларда газетада ишлаган Тўлқин Рустамов, 50-йилларнинг охирида «Ёш ленинчи»га муҳаррирлик қилган Ғани Жаҳонгиров, 1954 йилда илк бор ёшлар матбуотида меҳнат фаолиятини бошлаган Ўғилой Юсуфжонова ва бошқа ўз вақтида ўқувчилар эътиборини тортган мақолалари билан қатнашган муаллифлар бор. Газетанинг собиқ ходимлари ўзлари босиб ўтган шонли йўл ва бу борада «Ёш ленинчи» қўшган ҳисса ҳақида фахр ва ифтихор билан сўзлаб беришди. Газета жамоасининг бугун қайта қуришдаги фаолияти ва жамиятни демократиялаштириш борасида олиб бораётган ибратли ишлари билан бирга амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар хусусида сўзлашди.

Ветеранлар ва ёш журналистлар мулоқотида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси правлениеси раиси, СССР халқ депутати **А. Мухторов** газета фаолияти ҳақида фикр юритиб, у бугунги кунда жумҳуриятдаги энг етакчи матбуот нашрларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби **А. Н. Носиров** ёшлар матбуоти ходимлари олдида турган долзарб вазифалар хусусида гапириб, устоз журналистларнинг бир гуруҳига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиқларини топширди.



СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Е. БОТИРОВ суратлари.

Яна беш йилдан сўнг «Ёш ленинчи» газетаси ўзининг табаррук 70 ёшини тантанали нишонлайди. Ҳозирги кунда газетанинг босиб ўтган йўлини яратиш борасида бир қатор тадбирлар белгиланган. Жумладан, ёшлар матбуотининг тарихи хусусида китоб ёзилмоқда. Биз шуни яхши биламизки, ўз вақтида газетада ишлаган, уни чоп этишда фаол иштирок этган журналист ҳамда матбаа ходимлари жумҳуриятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб топилади. Уларга мурожаат қилиб шуни маълум қилмоқчимизки, газетадаги ўз фаолиятингиз хусусида бизга ёзиб юборинг, унинг тарихига оид ҳужжатлар ва фотосуратларни бизга маълум қилсангиз, айни муддао бўлар эди.

«...ЎЗИНГДАН БОШЛА!..»

УЧ ЙИЛЛИК фаолият юзасидан ҳисоб бериш. Айтишга осон. Жамият ҳаётида бу даврда қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди, демократия, ошкоралик сўздан амалий ишга айланди, ёшлар руҳиятида ўтган кунларнинг «муҳим қолиплар»и сина бошлади. Демак, «ўлганда қоладиган ўрганган одат»ни бузмай ҳаммасини сип-силлиқ ўтказиш энди мумкин эмас. Аммо, ёшларга хос яна бир «касаллик» — лоқайдлик мавжудлигидан фойдаланиб, кўзлаган «орзу»га етишишни истаган ўртоқлар йўқмас, тўлиб-тошиб ётибди. Тўғри-да, обрў-эътиборинг етарли, маошинг жойида, тагингда хизмат машинаси. Яна нима керак? Икки-уч йилда бўладиган бундай синов бир амаллаб ўтади-кетади. Конференция дегани — «қилкўприк» эмаски, бирма-бир элакдан ўтказиб, гуноҳингни у ён, савобингни бу ён қўйиб, кейин «ҳукм чиқазишса».

Агар вилоят комсомол қўмитаси раҳбарлари анжуман ҳақида шундай ўй хаёлга боришган бўлишса, якунда катта хато қилганликларини англагандирлар. Бу ерда таваккал ҳам кетмади...

Бир ой олдин бўлган пленум эсга тушади. Вилоят комсомол ташкилоти XXV конференциясида вилоят комсомол қўмитаси маърузасини муҳокама қилишганди. Вилоят комсомол қўмитаси раҳбарлари ўшанда тоза терлашди. Музокарага чиққан ўртоқлар маърузани «текислаб» ташлашди, унинг ўз-ўзига ҳисоб беришдан иборат бўлиб қолгани, кўпгина масалалар четлаб ўтилгани, котиблар, бюро аъзолари шаънига юмшоққина танқид айтилгани, эскичасига факт-рақамлар санаб ўтиш билан чекланилгани қаттиқ танқидга учради. Айниқса, Хонқа ноҳия комсомол қўмитасининг саркотиби К. Жуманиёзов билдирган эътирозлар кўпчиликка маъқул келган...

...КОНФЕРЕНЦИЯ очилди. Маъруза тезислари вилоят рўзномаларида ёритилгани боис, шу юзадан қисқача ахборот берилди. Тафтиш комиссияси ҳисоботи тингланди. Кейин музокаралар бошланди. Бировлари қўлида тайёр музокара матнини минбарга чиқиб ўқиб берса, бирлари қуруқ қўл билан зал ўртасидаги эркин микрофондан фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Қуруқ сафсата, ўз ташкилоти амалга оширган ишларни санаб ёки юқори органлар шаънига мақтов айтилган музокаралар кўпчиликнинг энсасини қотирди. Ким қандай гапиргани, керакли долзарб мавзуни тилга олиб, унинг ечими ҳақида, амалий таклиф киритган ёки бўлмаса бирор бажарилмаган ишнинг ҳақиқий айбдорини кўрсатиб, «фош қилган» музокараларга керагидан ортиқроқ қарсак чалишди.

— Ишсизлик ҳақида гапирмасдан ўтиб бўлмайди. Бизнинг ноҳиямизда 6 та ҳунар-техника билим юрти бўлиб, уларни ҳар йили олти юз нафар ёш битиради. Уларни «ишсизлар сафига қўшилган малакали кадрлар» деб аташ мумкин. Шовот ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби Е. Нурматов фикрини тўлдириб, амалий таклиф киритди: ҳунар-техника билим юртлари сонини камайтириш, бўшаган биноларда тегишли тармоқлар бўйича корхоналар ташкил этиш, иш ўринлари очиш керак.

Жуда яхши таклиф.

«Туямуюнгидрострой» қурилиш трести комсомол қўмитаси котиби К. Отабоев аҳоли сони ошиб бораётгани, комсомол ишлари орқада қолаётгани боис, Дружба шаҳрида комсомол қўмитасини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Камолиддиннинг амалга оширилган иш сифатида кўрсатган қурувчи ёшларнинг эски ётоқхонани қайта жиҳозлаб, турар-жойга айлантирганликлари факти мана бир йилки, катта-кичик йиғинларда «катта масала» тарзида айтилиб, маърузалардан-маърузаларга ўтиб келмоқда. Ҳисобот даврида қилинган шундай саноқли ишларнинг такрорланавериб тингловчиларнинг жонига тегиб кетганини айтиб ўтиш керак.

ВИЛОЯТ байналмилалчи-жангчилар кенгаши раиси С. Абдуллаевнинг нутқи кўпчиликка ёқди. Ташкил қилинганига энди ярим йилдан ошган кенгаш қатор ишлар бошламасида турди. Афғонда ҳалок бўлган йигитлар ва моддий ёрдамга муҳтож собиқ жангчилар оилаларига ёрдам бериш мақсадида очилган махсус жамғармага Урганч ёғ-мой заводи, Боғот тўқимачилик фабрикаси, Хонқадаги кооперативлар 10 минг сўмга яқин пул ўтказишди. Шунингдек, «Парвоз» ансамблининг хушовоз хонандаси Абдулла Тиллаев «афғон»лар жамғармаси учун хайрия-эҳсон концертлари ўтказмоқда.

Гурланлик биринчи гуруҳ ногирони Гулмирза Шеранов протезсиз қийналяпти. Икки оёғи ва бир қўлидан айрилган йигитга махсус протез тайёрлатиб бериш масаласини жумҳурият комсомол Марказий Қўмитаси турли баҳоналар билан пайсалга солмоқда. Ногирон йигитнинг аҳволига қачонгача бундай масъулиятсизлик билан қаралади?

ИЗОҲ: танаффус пайтида вилоят телевидениеси билан вилоят комсомол қўмитаси ҳамкорликда суратга олган «Афғон қирларида сўлган лолалар» видеофильмми кўрсатилди. Унда Гулмирза тўғрисида жуда аянчли тасвирлар бор. Ўзимизда ишлаб чиқарилган, аллақачон яроқсиз ҳолга келган «ёғоч оёқлар»ни ногирон жангчи ўзи кия олмайди. Бировнинг ёрдами керак. Гулмирзага акаси протезларини кийгизаётгани тасвирланган дақиқаларни кўриб, кўпчиликнинг кўзларига ёш келди...

БОҒОТЛИК педагог янгича иш услуби учун ўтган йили жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланган И. Отажонов ўзидан олдин сўзга чиққан ўртоқларнинг бирортаси ҳам ВЛКСМнинг на янги Устави, на ҳаракат дастури тўғрисида лом-мим демаганини таъкидлади. Айни пайтда вилоят комсомол қўмитаси ҳалиям ўз ҳаракат дастурига эга эмаслигини айтди. Шундай экан, хўш, вилоятдан ВЛКСМ XXI съездига сайланадиган делегатлар нимани ҳимоя қиладилар?

Янгиариқ ноҳия комсомол қўмитаси саркотиби З. Бердиев келтирган мисолга қаранг: «...Комсомолнинг инқирозига сабаб кўп қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг бажарилмаслиги. Вилоят комсомол қўмитаси бюро қарорлари жуда кеч қабул қилинади. Масалан, 1989 йилнинг 19 декабрида қабул қилинган сайловлар тўғрисидаги қарорни олайлик. Унда шундай қисмлар бор: «10 ноябргача сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш». «18 декабргача номзодлар кўрсатиш». Ваҳоланки, бу қарор бизга 27 декабрь куни етиб келди». Вилоят комсомол қўмитасининг масъулиятсизлик билан қарор қабул қилиши, жумҳурият Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларда комсомолларнинг тўла ютқазилишига замин ясади».

ИЗОҲ: шовотлик Ф. Ортиқовни комсомол-ёшлар ўз вакили сифатида Ўзбекистон халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишганди. Аммо, натижа шу бўлдики, Фахриддин ўз номзодини қайтариб олишга мажбур бўлди. Чунки худди шу сайлов округидан «бир каттакон»ни депутат қилиб ўтказиш кимларгадир зарур бўлиб қолди. Хўш, ноҳия комсомол қўмитаси бу масалада ожизлик қилган экан, вилоят комсомол қўмитаси комсомол номзодини ҳимоя қилдими! Қайда! Вилоятдан жумҳурият халқ депутатлигига 24 ўриндан номзодлар кўрсатилган бўлса, улар орасида бир нафар ҳам ВЛКСМ аъзоси йўқ. Гапни чўзиб ўтириш ортиқча бўлса керак.

АНЖУМАН ўтаётган зал деворида ҳар икки тилда ёзилган шиорда «Танқид қилдингми, таклиф кирит ва бажаришни ўзингдан бошла!» дейилган. Боғот ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ў. Рўзиев сўзини «ҳисоботда танқид бору, камчилик — муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ таклиф йўқ» деб бошлади. Таклифим: вилоят комсомол қўмитасининг экология борасида ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш керак. Ўтган йили ноҳиямиз ёшлари «Орол куни» ўтказиш борасида ташаббус билан чиқишганди. Шу борада бутун жумҳурият ёшларига мурожаатнома қабул қилиб, уни ёшлар рўзномаси, жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасига юборгандик. Ҳеч бир жавоб олинмади. Орадан ўн ой ўтгач, бир гуруҳ ижодкорларнинг ташаббуси билан жумҳуриятда «Орол куни» ўтказилди. Комсомолда дадиллик, ташаббускорлик етишганида бу эзгу иш бошида ўзи турган бўларди. У сўзининг ниҳоясида жумҳуриятимиз комсомол ташкилоти амалдаги йилда ўтказмоқчи бўлган лотереядан тушадиган маблағдан 100 минг сўмини ёшлар рўзномаси «Ёш ленинчи»нинг ягона боғига ўтказишни сўради. Агар шу маблағ берилса, бу боғни янада гуллаб-яшнатиш, у ерда йигит-қизлар дам олиш маркази очиш мумкин.

Бир қатор ўртоқлар сўзларида вилоятда жиноятчиликнинг ҳаддан зиёд ошиб кетгани, айниқса Урганч шаҳрида киссавурлик ақл бовар қилмас даражага чиққанини афсус билан қайд қилишди. Ҳазорасплик бригада бошлиғи кўпчиликнинг фикрини лўнда ифодалади: «Қишлоқдагилар шаҳарга келишдан қўрқадиган бўлиб қолишди».

1988 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Урганч шаҳар байналмилалчи-жангчилар кенгаш йиғилишида собиқ аскар йигит шу ҳақда амалий таклифни ўртага ташлаганди, яъни ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларига қараб ўтирмасдан, собиқ «афғон»лардан махсус отрядлар тузиб, киссавурларни ушлаш ҳақида. Эътибор қилишди, қарсак чалишди, маъқуллашди. Лекин, таклиф шу залнинг ўзидаёқ «жон берди».

ИЗОҲ: танаффусда собиқ комсомол ходими Ў. Абдуллаев билан суҳбатлашамиз. Мақсадимиз, у ишлаган давр билан ҳозирги комсомол орасидаги фарқни билиш. «Мен 1977-84 йиллар, яъни турғунлик «тоза қайнаган» даврда комсомолда ишлаганман. Ўша пайтлари олдимизга қўйилган вазифани бажарардик. Ошкоралик, демократия бўлмаса-да, ишлар бошқача эди. Ҳозирги комсомолнинг турғунлик даври комсомолидан фарқини англаш қийин. Ўша давр системаси ҳамон яшаяпти. Комсомол органлари, уни бошқарувда сезиларли ўзгариш йўқ. Шундай кетса, комсомол инқирози муқаррар.

Вилоят комсомол қўмитасининг собиқ биринчи котиби Ў. Абдуллаев билан суҳбатлашганимизда у айтган фикрларга қўшилмасдан иложимиз йўқ эди. Чунки, бир-бирига ўхшаш музокара сўзлари, залдаги умумлоқайдлик, кўрилаётган масалага бефарқлик шу хулосага олиб келарди.

АНЖУМАННИ бошқарувчи музокарага 33 нафар ўртоқ ёзилгани, шулардан 23 киши сўзга чиққани, музокараларни тўхтатиш тўғрисида таклиф борлигини айтиши билан залда сўз сўраб мандат кўтарган талабгорлар пайдо бўлишди. Ниҳоят уларга икки минутдан вақт беришди. Ҳақиқат учун айтиш кераки, минбарга чиқмасдан эркин микрафон олдида сўз айтган ўртоқлар вақт қисқа бўлса-да, лўнда амалий гапларни айтишди. Хонқа ноҳия комсомол қўмитасининг саркотиби К. Жуманиёзовнинг сўзларини вилоят комсомол қўмитасининг ўтган даврдаги фаолиятига берилган сиёсий баҳо дейиш мумкин. У ҳеч кимни юзхотир қилиб ўтирмади, гапнинг «ўғил боласи»ни айтди-қўйди. Комилжон, бугунги шароитда вилоят комсомол қўмитаси котиблари, бюро аъзолари ишлашга тайёр эмаслар, — деди ва сўзини исботлаб берди. У сўзлаётганда залда сукунат ҳукм сурди, президиумда эса ҳаракат...

Агар К. Жуманиёзов айтайлик конференция бошланишида, иккинчи ёки учинчи бўлиб сўзга чиққанда анжуман руҳи бутунлай бошқача ўтиши мумкин эди. Лекин, унинг шу биргина нутқи конференциянинг кейинги боришига, сайлов қисмига таъсир қилди. Делегатларда жонланиш, ўз-ўзини англаш жараёни шу ердаёқ рўй берди. Майли, ўтгани ўтди, Комилжоннинг анжуман бошида гапириши кимларгадир керак бўлмагандир. Билмадик. Ҳар қалай, унинг ўзи таъкидлаганидек, аввал бошдан бир неча марта сўз сўраган бўлса-да, президиум сукутни маъқул кўрган. Нимага?..

Ёки Хива ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котибаси Г. Маткаримованинг сўзи ҳам кўпчиликнинг ёдида қолди. У ноҳия комсомол қўмиталари билан Марказқўм орасида воситачилик ролини ўтаётган вилоят комсомол қўмиталарини тугатишни, ҳеч бўлмаганда қисқартиришни таклиф қилди. Нимага?

Саволларга конференциянинг сайлов қисми жавоб беради. Вилоят комсомол қўмитаси аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилиш қизғин ўтди.

ИЗОҲ: Жумҳуриятимизнинг кўпгина комсомол ташкилотларида бўлганидек, Хоразм комсомолида, умуман вилоят ёшларида лоқайдлик, карахтлик «касал»и мавжудлиги бу анжуманда ҳам сезилиб турди.

Қарор лойиҳасига кўз югуртирсангиз, умумий гаплар билан бир қаторда ишни олға силжитиш, комсомол ҳаётини ўзгартиришга ёрдам берадиган амалий таклифлар борлигини кўрасиз. Аммо, қарор лойиҳаси, музокарачилар айтган таклиф танқидий фикрлар билан тўлдирилиб, қайта ишланиши шарти билан қабул қилинди. Биз бўлиб ўтган «жанглар»дан, вилоят комсомолида юқори органлар билан қуйи органлар ўртасида вужудга келган келишмовчилик ҳоллари ва вилоят комсомол қўмитаси котиблари шаънига билдирилган аччиқ танқидлардан келиб чиққан ҳолда қайта ишланадиган қарорда раҳбарият борасида алоҳида банд бўлишини истардик. Зеро, конференция учун ташланган шиорни раҳбарият олдин ўзидан бошламаса бўлмайдиганга ўхшайди. Етилган вазият тақозоси шу.

САЛКАМ ЎН ТЎРТ СОАТ давом этган, кечаси ўн иккиларда тугаган вилоят комсомол ташкилоти конференциясидан олган таассуротларимизни музокарачи Гулираъно Маткаримованинг сўзидан парча келтириш билан якунлаймиз. «Одам бўлиш ҳақида жуда кўп гапирилди, фақат одам бўлиш қолди» деган экан донишманд. Бу доно фикр бугунги комсомол ҳаётига жуда таааллуқли!

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: конференциядан айрим тасвирлар.

Ж. ҚОЗОҚОВ суратлари.







Хориждан хабарлар



Сиз кўриб турган қурилма ўтган йилнинг кузида Франциядаги Тулуза шаҳрида бўлиб ўтган меъморчилик кўргазмасида намойиш қилинди. Унинг муаллифи — Япон меъмори Киуонори Кикутакенинг фикрича, XXI аср одамлари шундай қурилмаларга жойлаштирилган уйларда яшашса бўлармиш. Энг юқори қаватни истироҳат боғлари, ибодатхона, шаҳар мериясига бериш мўлжалланган. Муаллифнинг фикрича, бу усул ер муаммосини ҳал қилишга имкон беради.

СУРАТДА: бу болакай хаёлидан нималар ўтаётган экан? У катта бўлгач, шунақа қурилмада яшаб кетаверадими ёки бошқа тузукроқ уй ўйлаб топадими?

АФП — ТАСС сурати.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

Дамашқ, Сурия ва Ливан раҳбарлари Дамашқда музокараларни давом эттирдилар. Улар ўтган йилнинг ноябрь ойида Ливанда президент сайловидан сўнг юзага келган вазиятнинг турли жиҳатларини муҳокама қилмоқдалар.

Музокара қатнашчиларига яқин бўлган манбалардан олинаётган маълумотларга қараганда, Ливан давлат муассасаларини тиклашга катта эътибор берилмоқда. Бу эса уларнинг ўз кучларига таянган ҳолда бутун миллий территорияга ҳокимлик қилишларига имкон беради. Томонлар икки давлат ўртасидаги чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласини, Ливан парламенти маъқуллаган миллий яраш тўғрисидаги ҳужжатни тўла-тўкис амалга ошириш йўлларини ҳам муҳокама қилдилар.

ТУНИС. Тунис пойтахти яқинидаги шаҳарчада жойлашган президентнинг «Картаж» саройида Араб мағриб мамлакатлари уюшмаси давлат бошлиқлари кенгашининг биринчи сессияси очилди. Унда Тунис президенти Зин Аль Обиддин Бин Али, Марокаш қироли Ҳасан II, Жазоир президенти Шадли Бинжадид, Ливия инқилобининг раҳбари Муаммар Каддафий қатнашмоқдалар. Мавритания бошлиғи Маауйя Улд Сиди Аҳмад Тайз фавқулодда ҳолат туфайли Тунисга кела олмади. Мамлакат ташқи ишлар ва ҳамкорлик министри Сид Аҳмад Улд Баба Мина сессияда унинг ўрнига қатнашмоқда.

Давлат бошлиқлари уюшманинг ташкилий қурилиши бўйича ташқи ишлар министрлари ишлаб чиққан лойиҳалар ва тавсияларни, уюшманинг турли соҳалардаги фаолияти истиқболларини муҳокама қиладилар.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон бош министри В. П. Сингх Покистон ташқи ишлар министри Сахобзода Ёқубхонни қабул қилди. ПТИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, у учрашув чоғида В. П. Сингхга Покистон бош министри Б. Бхуттонинг мактубини топширган.

Шу куниёқ С. Ёқубхоннинг Ҳиндистон ташқи ишлар министри И. К. Гужрал билан махфий учрашуви бўлди. Учрашувда, деб хабар қилади ахборот агентликлари, Ҳиндистон шимолидаги Жамму ва Кашмир штати теварагида вужудга келган вазият изчил муҳокама қилинган. Бу штатда покистонпараст унсурлар фаолияти жуда кучайиб кетди, шунингдек Покистон билан чегарадош Панжоб штатидаги аҳвол оғирлашди. У ерда террорчиларнинг ҳуружлари тўхтамаяпти. ПТИ агентлигининг таъкидлашича, ўтказилган мунозаралар натижасида иккала томон «Ҳиндистон—Покистон муносабатларини бир изга солиш учун тезда қабул қилиниши лозим бўлган тадбирларни кўриб чиқиши мумкин».

Покистон ташқи сиёсий маҳкамаси бошлиғининг ташрифи Жамму ва Кашмир Штатида мусулмон сепаратчиларининг чиқишлари давом этаётган пайтда бўлмоқда. Ҳукуматга қарши йиғин қатнашчиларининг хавфсизлик кучлари билан тўқнашуви натижасида ўтган якшанба куни Сринагар шаҳрида 36 киши ҳалок бўлди, 100 га яқин одам жароҳатланди. Экстремистлар шанба кунидан бошлаб шаҳарда комендантлик соати амал қилаётганлигига қарамай, штатни Ҳиндистондан ажратиб олиш талаблари билан кўчаларга чиқишди. Улар бир неча ҳукумат биноларига ўт қўйишди, полицияга қаршилик кўрсатишди. Ҳозир шаҳар кўчаларини ҳарбийлар қўриқламоқда, дўконлар ёпиб қўйилган, кўча ҳаракати тўхтатилган.

ДАККА. Бугун Дакка шаҳрида Бангладешда сув тошқинларини назорат қилиш масалалари юзасидан уч кунлик конференция очилди. Конференция қатнашчилари яқин икки йил ичида шу соҳадаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қиладилар ва сўнгги қарорни қабул этадилар.

Ана шу ривожланаётган мамлакатда тез-тез бўладиган табиий офатлар иқтисодий жиҳатдан катта зарар келтирмоқда. Шу сабабли тошқинга қарши кураш энг муҳим муаммолар қаторида туради. Ушбу масалани ҳал этишда Бангладеш жаҳон ҳамжамиятининг ёрдамига умид қилмоқда. У белгиланган тадбирларга сайёрамиз экологик иқлимини соғломлаштириш борасидаги умумий тадбирларнинг таркибий қисми сифатида оширилиши лозим бўлган режа деб қарамоқда.

Транспортчилар иш ташлади

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Венгрия пойтахтида жамоат транспорти икки соат тўхтаб қолди. Бир миллиондан ортиқ йўловчилар «БКВ» транспорт корхонаси хизматчилари огоҳлантирувчи иш ташлаш ўтказганликлари сабабли метро, трамвай ва автобуслардан фойдалана олмадилар.

Будапешт транспорт ходимлари ана шу иш ташлаш ниятлари ҳақида олдиндан маълум қилдилар, лекин меҳнат билан боғлиқ ишларни кўриб чиқадиган Будапешт суди иш ташлашга рухсат этмади. Шунга қарамай забастовка бўлиб ўтди. «БКВ» хизматчилари ўзларининг уюшган ҳаракатлари билан транспортдаги аҳволга, транспорт воситаларининг ҳолатига ҳайдовчилар ва бошқа ходимларнинг ижтимоий-турмуш шароитларига ҳукумат эътиборини жалб қилишни хоҳлайдилар. Чунончи, ҳайдовчилар етишмаслиги сабабли ҳар куни 260 га яқин трамвай ва автобус йўлга чиқмаяпти.

СОФИЯ. (ТАСС). «Земляне» автотранспорт корхонаси коллективи эълон қилган иш ташлаш душанба куни София аҳолисини кўп муаммоларга дучор қилди. Транспортчиларнинг София халқ кенгаши раҳбарияти билан музокараси бир ойдан зиёдроқ давом этди. Ҳар икки томоннинг куч-ғайрат сарфлашига қарамай, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишга муваффақ бўлинмади ва кучайиб бораётган ижтимоий кескинлик сўнгги чорага бориб тақалди. Пойтахтдаги бошқа транспорт корхоналарининг ходимлари ҳам иш ташлашга қўшилдилар.

Митинг кун бўйи давом этди, унда шофёрлар, механиклар, ёрдамчи хизмат соҳаси ходимлари қатнашдилар. Улар меҳнат шароити ва пенсия таъминоти яхшиланишини, иш вақтига қўшимча иш камайтирилишини ва унга адолатли ҳақ тўланишини талаб қилдилар. Митинг қатнашчилари маъмуриятнинг баъзи вакилларини ишдан бўшатишни, янги тайинланган раҳбарлар учун ярим йиллик синов муддати жорий этишни талаб қилдилар.

Кечқурун митинг қатнашчиларига БХР министрлар кенгашининг қарори ўқиб эшиттирилди. Қарорга мувофиқ, София транспорт ходимлари юқорироқ меҳнат категориясига ўтказилди. Иш ташлаш тўхтатилди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

НАФАС ОЛМАЙ ТУРИНГ...

● ТУРКИЯ пойтахти қурум аралаш қалин тутунга бурканди. Маъмурларнинг буйруғи билан мактаблар ёпилди. Тайёраларнинг учиши тўхтатилди. Саноат корхоналарига ишлаб чиқаришни кескин камайтириш тавсия этилди. Уйлар ва муассасаларни кунига тўрт соат мобайнидагина иситишга рухсат берилди. Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, шаҳарнинг айрим ноҳияларида ҳаво таркибидаги олтингугурт ангидриди даражаси йўл қўйиш мумкин бўлган нормадан олти баравар ошиб кетган. Умуман Анқарада маҳаллий радионинг хабар қилишича, бу кўрсаткич халқаро нормалардан тўрт баравар ортиқ экан.

ТУЛКИЛАР ҲУЖУМИ

● НИГЕРИЯНИНГ Гонгола штати шарқида жойлашган Дорофи қишлоғида яшовчи Иди-баба Чана қиладиган ишларини режалаштириб, ҳовлисида бамайлихотир нонушта қилаётган эди. Кутилмаганда ҳовлига бир нечта тулки югуриб кирди. Одатда қўрқоқ бўладиган бу жониворлар бирданига деҳқонга ташланиб, нонуштасига чанг солдилар. Иди-баба Чана уларни ҳайдаб юбормоқчи бўлганида эса... тулкиларнинг тиши нақадар ўткир эканлигига амин бўлди.

Босқинчи тулкиларнинг асосий қисми қишлоқдаги товуқлар ва эчкиларга ташланди. Оқсоқол Инуа Ғассоланинг ҳисоб-китобларига қараганда, Дорофига «уюштирилган» босқинда минггa яқин йиртқич қатнашган. Эҳтимол, бу маълумотлар, «қўрққанга қўш кўринар», деганларидек, бироз ошириб кўрсатилгандир. Бироқ тулкилар шунчалик кўп кўринганки, оқсоқол дарҳол бошлиқларга ёрдам сўраб мурожаат этишга мажбур бўлди.

Жониворлар ўзини бу қадар ғалати тутишининг боиси тезда аниқланди: қўшни мамлакат — Камерунда йирик ирригация иншооти қурилган ва сув босаётган ерлардан қочган тулкилар давлат чегарасини «бузиб», қўшни давлат қишлоғига ҳужум қилишган.

МИТТИ МОТОЦИКЛЬ

◆ СИАМ дорилфунуни (Таиланд) талабалари дунёда энг кичкина мотоцикль ясадилар. Унинг узунлиги 43 сантиметр, баландлиги эса 18. Соатига 15 километр тезликда юролади. 130 килограммгача бўлган юкни кўтаради. Канакунжут мойи ёки спирт каби ёнилғиларни «истеъмол» қилади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Тарих инсониятнинг тафаккури ва ҳис-туйғулари самараси, яъни унга қўйилган муқаддас ҳайкалдир. Тарих фақат инсонгагина хос муқаддас хотирадир. Бечора қушлар, жониворлар, бошқа жонзотларнинг тафаккур қудрати чекланганлиги, тили бўлмагани сабабли ҳам ўзларидан тарих, яъни хотира қолдириш бахти, имкониятларидан маҳрумдирлар. Умрлари тугаши билан ўзлари ҳақидаги қисқагина хотираларни ҳам абадиятга олиб кетадилар...

Табиатнинг инсонга кўрсатган чексиз иноятн ҳам унга тил ва тафаккур қила билиш қобилиятини ато этгани билан бирга ҳис-туйғулари самараси — мусиқа, адабиёт ва нимло яратиш учун кенг имкониятлар йўлини очиб ҳам берганидадир. Табиатнинг хасислигига, яъни барча имкониятларини инсонга бериб бошқасини саховатидан қисгани аломатидир. Аслида ҳам шундай бўлиши — табиат борлиқнинг тож-сарвари бўлмиш инсонни юксакликка кўтариши зарур эди. Бордию, табиат қушлар, жониворларга ҳам тил ато этиб, тафаккур қила билиш имконини яратганда улар ҳам гапирган, имло яратган, хотира ёзиб қолдирган бўларди... Унда тож-сарварлик билан оддий мавжудликнинг фарқига етолмай қолардик...

Инсоният босиб ўтган шонли, айни пайтда қонли, кўз ёшли, даҳшат ва изтиробли даври баъзан тутқунликда кечирган умри йўллари — тарихини яна ўзи қаламга олди. У қанчалик нурли, фожеали бўлмасин барибир «инсоният тарихи» деб аталади. Тарихнинг қадр-қиммати катта, ё кичик миллатнинг унга не чоғлик қўшган ҳиссаси билан ўлчанмайди. Ҳар бир миллатнинг мана шу она тарихга қўшган мазмунли ҳиссаси билан ўлчанади, қадрланади. Қўшилган мазмун, ҳисса катта ё кичик бўлишидан қатъи назар у тарих. Тарих эса ранг-баранглиги, миллатлар ва уларнинг тиллари маҳсули, урф-одатлари, имлоларнинг турлилиги билан гўзалдир. Биз учун унинг қадр-қимматидан ҳам кўра тарих сифатида сақланиб қолгани билан эътиборга лойиқдир. Тарихга минглаб донишмандлар, шоир ва рассомлари билан кириб келган миллатларгина улуғ бўлиб қолмай, балки тиллари, имлолари билан ҳисса қўшганлари ҳам диққатга сазовордир. Ғайриқонуний тоифадаги миллатларгина «тарихга мен ортиқроқ ҳисса қўшганман», дея жар солиши мумкин.

Гап назаримда тарих яратган инсоният ҳақида эмас, уни барбод қилган, яъни ҳайвонот оламидан тўла ажралиб чиқмаган — жинси, тоифалари номаълум бўлган аллақандай маҳлуқлар ҳақида бориши керак...

Виждон билан баҳоланса биз — Ўрта Осиё халқлари тарихан катта фан ва маданиятга бой халқлармиз. Хоразмлик Абу Райҳон Беруний IX—X асрлардаёқ шарқ халқларининг тарихига оид ўнлаб асарлар яратди. У ҳатто Америка қитъаси борлиги ҳақида кароматлар қилди ва бу масала бугунги кунда тўла асосланди. Ибн Сино инсон вужудини хасталиклардан халос этадиган минглаб ўсимликлар ҳақида ёзма равишда маълумот бериш билан бирга инсоният тарихида биринчилар қаторида (Америка ҳиндуларининг эрадан олдин ҳам мия юракда жарроҳлик ўтказганини унутмаслигимиз керак) инсон вужудида жарроҳлик ўтказди. Ал-Хоразмий эса дунёда биринчи бўлиб математикага асос солди. Мунажжимимиз Мирзо Улуғбек биринчилар қаторида коинот сирларини ўрганди, илк бор обсерватория яратди ва ундан амалда фойдаланди. Жаҳондаги беш жаҳонгирнинг бири тупроғимизда камол топган. Даҳо шоирлардан бири — ғазалларида ернинг қуёш атрофида айланишини ифодалаган Алишер Навоий ҳам шу миллат фарзанди. Тарих, инқилобдан илгари яшаб, ижод этган юзлаб ўзбек шоирларига гувоҳлик беради. Тил, миллат ва ранг, деган нисбий тушунча ҳисобга олинмаса, улар ҳам вужудлари ва вужудларидаги аъзоларининг мазмуни жиҳатидан бир-бирларига муштарак инсон фарзандлари эди...

Тарихнинг гувоҳлик беришича инқилобгача Самарқандда 150 минг аҳоли яшаган, 250 масжид ва мадрасаси бўлган ва минг-минглаб талабалар илм олишган. Бухорода эса 200 мингдан ортиқроқ халқ истиқомат қилган, 400 масжид, 30 мадраса бўлган (бу ҳақда Петербургда чиқадиган «Отечественные записки» журналининг 1821 йилги нашрида баён этилган ва «История Узбекистана и источники» китобида қайта босилган. Тошкент. 1988 йил, 215 бет).

«Қомус ул-аълам»нинг тўртинчи жилди 2984-саҳифасида ёзилишича, бундан 100 йил илгари Тошкентда юз минг киши ҳисобига олинган, 300 масжид, 18 мадраса, 30 карвонсаройи мавжуд бўлган. «Ўзбекистон тарихи»да (рус тилида 1947 йил босилган) таъкидланишича, Туркистонда 6 минг 445 масжид бўлган бўлса, 1913 йилга келиб бу рақам 7 минг 665 тага етган. Тарихий манбаларга жиддий назар ташлаб Фарғона водийси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Кармана (ҳозирги Навоий шаҳри)да ҳам шунча ё шунга яқин миқдорда масжид ва мадраса бўлгани аниқланди. Эндиликда Бухорода биргина масжид (ўрта мактаб дейиш мумкин), Тошкентда эса битта мадраса (олий ўқув юрти) мавжуд. Қолганлари қани? Ўн минглаб тарихий ёдгорликлар нима учун ўйламай-нетмай бузиб ташланди? Инсоният «шарқ» деб аталмиш улкан тарихидан нима учун бу қадар тез жудо бўлди?..

Инсон тафаккури маҳсули ва ҳис-туйғулари хотираси бўлмиш масжидлар ва уларнинг яратувчилари ҳақида гапиришдан илгари турк улусининг араблар томонидан истило қилинишига эътиборни қаратайлик. Бунга қадар ҳам Ўрта Осиё Искандар Зулқарнайн томонидан забт этилиб, улкан тарихидан айрилган, унгача эса Доро ҳам бу элнинг бошига шундай кулфат солганди. Бу пайтларда турклар ҳам бошқа шарқ халқлари каби оловга топинардилар. Улар асосан қуёшга, қуёшнинг ердаги нусхаси (мазмуни ҳам дейиш мумкин) оловга сажда қилардилар. Арабларга қадар шарқда оловпарастларнинг сонсиз-саноқсиз ибодатхоналари бўларди. Улар ибодатхоналарда катта гулханлар ёқиб «янги кун»— наврўзни, сув, ҳосил каби байрамларни ғурур билан нишонлардилар. Олов ҳозир ҳам шарқ халқлари орасида муқаддас саналади. Ўша муқаддас удумларимиздан эндиликда келинни куёвнинг уйига узатиб келишганда отни гулхан атрофидан айлантириш, қабрларга шаъм ёқишгина сақланиб қолди. Бошқаларини ислом ютиб юборди. Ислом бошқа миллатлар каби туркларни ҳам азалий удумлари, эътиқодларидан жудо қилди. Ибодатхоналарини бузди, тарихий китобларини ёқди, шу билан ғурурларидан мутлақо айирдилар. Бугунги кунда оловпарастларнинг Бухорода биргина ибодатхонаси мавжуд.

Шу тариқа бутун шарқ арабларнинг қуббали масжидларига мослаб ўз ёдгорликларини қура бошладилар. XIII аср бу ерларда ислом гуллаб-яшнади. Араблар масжидлар қуриш билан бирга наққошлар, рассомлар ва ҳунармандларга кенг имконият йўлларини очиб ҳам бердилар. Хўш? Ўша тарихий ёдгорликларни қурганлар ва қурилишга сабабчилар кимлар эди? Ўрта Осиёнинг шоҳлари, давлатманд кишилари исломнинг «Яхшилик қил, ўзингдан ёдгорлик қолдир» деган ақидасига амал қилишиб ўз мулклари ҳисобига масжидлар, мадрасалар, кўприклар, ҳаммомлар қурдиришга киришди. Шу билан худо ва мазлум олдидаги муқаддас бурчларини адо этган бўлдилар. Ёдгорликларни эса оддий халқ қурди. Унинг ҳисобсиз тўкилган терлари ҳисобига бунёд этилди. Шоҳни шоҳ қилган ҳам аслида шу қора халқ. Демак, шоҳ ҳам, бой ҳам шу қул — қора халқнинг меҳнати туфайли бойийди. Демак, шоҳ, бой, деган тушунча бугунги кунда нисбий. Бу борада наққошлар, рассомлар, ҳунармандларнинг ҳам меҳнатлари ётибди. Шу тариқа ёдгорликлар инсоният мулкига айланди ва тарих уни шунчаки ҳисобга олди. Икки орада яна «инсон болалари яратган» деган тушунча келиб чиқади. Инсоний хотиралар яна инсоний тарихга туташиб кетади...

Дунёдаги беш жаҳонгирнинг бири бўлмиш Амур Темур шарқда ҳам, ғарбда ҳам ҳозиргача зулмкор, жаллод сифатида қораланиб келинади. Ҳатто уни йигирманчи аср курсисига ўтқазишиб судлаяптилар. Балки бу ҳам тарихдир. Аслида Бухоро, Самарқанд, Кармана, қолаверса бутун Ўрта Осиё, жумладан Қозоғистондаги IX аср шоири ва донишманди Аҳмад Яссавий мақбараси қурилиши ҳам шу «зулмкор» ташаббуси билан боғлиқ-ку. Бундан ташқари Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Арабистонда қанчадан қанча ёдгорликлар қурдиргани ҳам тарихдан маълум. Албатта, бу ҳам тарих. Буни ҳам инкор этишга инсониятнинг мутлақо ҳаққи йўқ. Ўша жаҳонгирларнинг энг ашаддий зулмкори — Чингизхон дунёдаги, жумладан, Ўрта Осиёдаги барча ёдгорликларни бузди, ер билан яксон этди. Унинг даврида Ўрта Осиё гўё Мўғулистоннинг тақир чўлларига айланди. У бирор ерда қурилиш қилмади. Ундан юз йилдан сўнг дунёга Амур Темур келди ва Чингизхон яксон қилган Ўрта Осиёни қайтадан тиклади, яна ҳам гўзал қилиб тиклади. Бу тарихдан ким юз ўгира олади?! Бошқа жаҳонгирлар ҳам Темурчалик қурилиш қилганда, дунё ҳозир қанчалик гўзал бўлишини тасаввур этиш қийинмас...

Болалик кезларимни яхши эслайман. Шаҳарда ҳам, қишлоқларда ҳам оилавий ажралишлар жуда кам учрарди. Аксари ҳолларда жисмоний камчиликлар ва бефарзандлик оқибатлари туфайли оила бузилиши содир бўларди. Олтмиш-етмишинчи йилларга келиб бу сон беҳад ортиб кетди. Эндиликда эса меъёридан ҳам ошди. Тун-кун ўйлайман. Бунга асосан нима сабаб? Ичкиликми? Ё тўқликка шўхликми? Ё ёшларнинг маънавий бузилиб кетишими? Ниҳоят, нисбий бир қарорга келаман. Ўзбек халқи муқаддас эътиқодларидан айрила бошлади... Бу эътиқод эса илоҳий куч — худо билан боғлиқ эди. Илгарилари одамлар илоҳий куч— худога ишонардилар. Худога ишониш эса инсонни одоб ва номусли бўлишга чорларди. Аёллар аёллик чегарасини, эркаклар эса эркаклик чегарасини бузишга ботинмасдилар. Заминда эса исломнинг муқаддас ақидалари ётарди. Сталинчилар инқилобдан кейин халқнинг мана шу муқаддас эътиқодларига хужум бошладилар. Эндиликда эса ундан мутлақо жудо қилдилар... Оқибат халқ худога ҳам, сталинчиларга ҳам ишонмай қўйди. Диндан қайтдилар, порахўр, кўзбўямачиларнинг эса сирлари ошкор бўлди. Халқ гангиб қолди...


Исломнинг муқаддас китоби —

1

2

Ўктам ҲАКИМАЛИ

1939 йилда Тошкент вилоятининг Номданак қишлоғида туғилган. Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини тугатган. Унинг «Ҳадемай баҳор келади», «Қора қуюн», «Ҳур чўққилар», «Қоғоз қуш» каби ўнга яқин китоблари жумҳуриятимиздаги ва Москвадаги нашриётларда чоп этилган. Қуйида ёзувчининг қаламига мансуб мақолани эълон қилмоқдамиз.



Тарих инсониятники...

қуръон инсонни эрта-кеч одобга, инсофга чақиради. Қуръон инсоният изланишлари — тафаккури, яъни қуръон шаклидаги маҳсулоти. Инсон гўзалликни тарғиб қилиш учун узоқ изланди ва оқибат турли динларни ўйлаб муросага киритди. Бу — моҳият-эътибори билан инсонни ахлоқ-одобга чорловчи китоб. Ундан баъзи бир мисолларни келтираман. «Ноҳақ одам ўлдирмаслик, турли ичимликлар ичмаслик, маънавий бузуқлик қилмаслик, қимор ўйнамаслик, ўғирликка қўл урмаслик, порахўрлик ва судхўрликдан юз ўгириш, ифлос таомларни емаслик...»

Қуръон араб имлосида битилган. Араб имлоси эса дунёда яралган имлоларнинг энг қадимийларидан саналади. Шакли ҳам жуда чиройли. Хўш? Бу имло инсонга осмондан тушиб қолдими? Ахир буни ҳам инсон тафаккури кашф қилди-ку. Минг йиллар изланишдан кейин шу имлога тўхталдик-ку. Уни кашф қилиш учун неча-неча наққошлар, рассомлар ишламади. Аслида бу инсон умри жараёнлари ҳақидаги яратилиш — фан-ку. Имло ҳам тарих бўлиши билан бирга санъат ҳам-ку! Тарихимизнинг қарийб минг уч юз йили шу имлода битилди-ку. Инқилобдан кейин бу масалага қандай қаралди? Бу имло турли томондан таъқибга учрай бошлади. Бу ажойиб санъатни бошқа бир санъат маҳсулоти — имлоси — лотин эгаллай бошлади. Бу ҳам етмагандай тезлик билан лотин рус имлоси билан алмаштирилди. Ахир уччаласи ҳам инсон тафаккури маҳсули-ку! Агар дунёда биргина имло мавжуд бўлса, ҳамма бир имлода ёзса, бунинг қандай гўзаллиги бор? Имлолар ҳам боғдаги турли-туман гулларни эслатади-ку! Бир имлони суриб чиқариб бошқа имлога зўрлаб ўтказишнинг ўзи социалистик жамиятнинг моҳиятига зид тушунча-ку!

Араб имлосининг билимдони, шарқ халқлари тилининг устамони, ажойиб инсон Тўхтасин Жалолов доим давраларда қайғули бир гапни гапириб берардилар. 1937 йил у кишини қамоққа олиш баҳонасида уйига бир чекист келади. У араб имлосида ёзилган китобларни титкилаб; «Бу нима?» деб сўрайдч. У киши: «Маркснинг «Капитал»и деб жавоб берадилар. Чекист эса: «Сенинг имлойингда «Капитал» нима қилади?» деб китобни тепиб юборади. Мана сизга имлони билмаслик, инсон тафаккури яратган санъатга бўлган муносабат. Қатағон йиллари шу таҳлид қоп-қоп қўлёзмалар ёқиб юборилди, кўплари қабрларга кўмилди ва чириб кетди... шу билан инсон тафаккури ва ҳис-туйғулари маҳсулоти заволга юз тутди... бу имлони тушунмайдиганлар табиийки ҳозир ҳам ўтмишга шундай муносабатда бўлиб келаётирлар.

Уйғур шоҳининг қизи, Темурнинг севимли хотини Бибихоним эри араб юртларини истеъло қилишга кетганда масжид қурдирганди. Қурилиш ўн йилларга чўзилган, унда миллионлаб қуллар, наққошлар, рассомлар, ҳунармандлар қатнашганди. Халқ бунёд этган мана шу гўзал ёдгорлик ҳам ер билан яксон қилинган. Ваҳоланки ўша кезлар В. И. Лениннинг тарихий ёдгорликларни асраш борасидаги қарори матбуотда босилган эди. Бибихоним масжидини кимлар бузган, кимлар уни бузилиш ҳақидаги қарорга қўл қўйган? Бу масала ҳамон жумбоқлигича қолиб келаётир. Инсоният ана шу барбодчиларни ўзининг ашаддий душманлари экани ҳақида ҳозирча ўйлаб кўргани йўқ... Аслида бу масала ҳам юқоридаги собиқ раҳбар — Сталинга бориб тақалади... бу масала инқилобнинг дастлабки кунларида, яъни оддий халқ инқилоб нималигини, у ўзларига нима беришини англаб етмаган кезда содир бўлди. Хўш? Тушуниб етмагандан кейин аҳвол қанақа бўлди? Бундай фожеаларнинг олдини ололдими? Ололмади.

1966 йил Чорсу майдонидаги Жомий масжидининг бузилишини ўз кўзим билан кўрганман. Шуни ўша кезги Тошкент шаҳар Октябрь районининг собиқ мафкура котиби (аёл киши эди) бошқарганди. Масжид бузилишига қарши чиққан кексаларни котиба милиция машинасига зўрлаб ўтказдириб жўнатганди. Улкан бир трактор не азоблар билан охири масжидни бузиб ташлаганди. Халқ котибани қарғаш билан чекланди.

Чорсудаги ўша масжид 1100 йилда қурилган эди. Уни ҳам табиийки оддий халқ қурган, унинг пулига қурилганди.

Турғунлик даври — тараққиётимизга чанг солди. Биз қарийб 20 йил давомида «Л. И. Брежнев нутқлари ва докладларида баён қилинган қоида ва хулосаларни» ҳаётга татбиқ этдик. Оқибатда эса яна бир бор инқилоб қилишга мажбур бўлмоқдамиз. Аммо буниси, 17-йил кузидагига нисбатан анча қийин ва оғирроқ кечмоқда. Чунки Улуғ Октябрнинг душманлари аниқ — оқлар, босмачилар, капиталистлар, бойлар эди. «Қайта қуриш» деб ном олган ҳозирги инқилоб душманлари — лоқайдлик, мешчанлик, таъмагирлик, бюрократлик, лўнда қилиб айтганда маънавий қашшоқлик — ҳар биримизнинг онгимизда, қонимизда. Партия бизни «Сталинизм», «турғунлик даври» уйқусидан уйғонишга, кўзни каттароқ очиб, атрофга дадил боқишга, ҳар бир нарса ва воқеага, ҳар бир кишига фақат адолат нуқтаи-назаридан баҳо беришга даъват этмоқда. Янги инқилоб тақдири, ўтган кунлардаги хатоларни такрорламаслигимиз ана шу чақириққа қандай жавоб беришимизга боғлиқ.

Бир неча йил муқаддам кимларнингдир кўрсатмаси билан халқимиз қадим-қадимдан эъзозлаб келаётган байрамларидан бири «Наврўз»ни йўқ қилишга уринишганди. Уни ҳеч бир асоссиз равишда диний байрам деб айблашди. Ўйламай босилган қадам халқимизни қаттиқ ранжитди. Партия ва ҳукуматимиз бу хатоликни ўз вақтида тўғрилади. Куни кеча Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Наврўз» миллий байрами кунини дам олиш куни қилиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бежиз эмас. Зеро «Наврўз» ота-боболаримизнинг деҳқончилик билан шуғуллана бошлашлари заминида шаклланган қадимий байрамдир.

«Наврўз»ни халқ томонидан нақадар севиб нишонланишини, унга узоқ ва жиддий тайёргарлик кўрилишидан ҳам билса бўлади. Байрам куни кўпкари (улоқ) чопиш пойга каби томошалар авжига чиққан. Бу куни савдо-сотиқ кенг ташкил этилиб, хилма-хил анвойи таомлар тайёрланган.

Ўзбекистонда ҳозирга қадар тарихни, миллий анъаналарни ҳимоя қилган кишилар танқидга учради. Кўҳна тарихни йўқотганлар, йўқотаётганлар қачон тугайди, қачон уларга чек қўйилади? Раҳбарлар келиб-кетаверади, ёдгорликлар бузилаверса, бу борада раҳбарларнинг ҳеч бири инсоний бурчларини ҳис қилмасалар, оқибат нима бўлади? Ахир бузилган санъат кошоналарини қайтадан тиклаб бўлмайди-ку!

Бузилмай қолган ёдгорликларнинг бир қисми омборхоналарга айлантирилган, яна бир қисмига эса хонадонлар жойлаштирилган эди. Мана шуларгина омон қолди. Чорсудаги Кўкалдош масжиди ва Бешёғочдаги масжид шулар жумласидан. 30 йиллар муқаддам Шайховандтаҳурда ўнлаб ажойиб ёдгорликлар — мақбаралар мавжуд эди. Эндиликда улардан фақат Юнусхон (бу масжид ҳам омборхонага айлантирилганлиги сабабли омон қолган) ёдгорлиги сақланиб қолди.

Қачонлардир Эскижува даҳасида беҳад гўзал «Бекларбеги» ва «Хотин масжид» ёдгорликлари бўлган ва у ҳам шафқатсизларча бузиб ташланган экан. Бу икки ёдгорликни ҳам Ўзбекистонда тенги йўқ гўзал кошона деб баҳолашади.

Яқинда Чорсудаги яна бир масжидни ҳашамлашга киришилганди. Ҳашамлаш ниҳояланмай ташлаб қўйилди ва бу орада масжид ёнғинга учради. Бу ҳақда газеталар ҳам ташвиш билан ёзишди. Бироқ маданият министрлиги бунга эътибор бермади.

Бундан ташқари тарихнинг яна бир ғамгин томонини очиш, яъни араблар, юнонлар, мўғилларга қарши мардларча курашган Муқанна, Темур Малик, Спитамен, Таробий, Жалолиддин Мангуберди, Алимқулларга ҳайкал ўрнатиш, номларини абадийлаштириш ҳам бизнинг, қолаверса социалистик жамиятнинг зиммасида турибди...

Яна бир жиддий масала — Сталин даври қурбони бўлган улуғ ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Сўфизода, Усмон Носирларнинг музейларини ташкил этиш, номларини абадийлаштиришдир. Ўзбекистонга бир мартагина қадам ранжида қилган Есенин, Лермонтов, Анна Ахматоваларга музейлар ташкил қилинди-ю, бироқ юқорида номлари зикр этилган ёзувчи, шоирларга эса ҳамон эътибор берилмай келинаётир.

Биз ҳеч қачон дўстлик, яъни «байналмилалчиликка» қарши эмасмиз. Дўстлик ҳамма миллатларга тенг қўлланиши шарт ва зарур, деган фикрдамиз. Ўзбек ёзувчиси, шоирларга ўз ватанида, ўз юртида, ўз халқи орасида ҳайкал ўрнатилиши, музей қилиниши, номлари абадийлашиши керак. Шундай қилингандагина биз чиндан ҳам дўстлик қарор топаётганига ишонамиз.

3

4



ИЛҲОМ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Бепоён менинг Ватаним

Ҳар бир актёр ёки хонанда етук санъаткор бўлиб етишгунича, қанчадан-қанча изланади, интилади, машаққатлар чекади. Эришган ютуқлари етуклик йўлидаги пиллапоянинг бир поғонаси бўлиб, ортда қолаверади. Олег Табаков санъатга кириб келишини эслар экан, ана шундай хаёл суради.

Ҳа, у Саратовдан Москвага ўқишга кириш учун 17 ёшли йигитча бўлиб ташриф буюрган эди. Бир йўла Давлат театр санъат институтига ва Бадиий театр мактаб-студиясига кириш имтиҳонларини топширди. Уни ҳар иккала билим даргоҳи ҳам талабаликка қабул қилди.

Бугунги кунда Олег Табаков СССР халқ артисти, Москва Бадиий академик театрининг етакчи актёри, мактаб-студия ректори. Яна у Москва Давлат театр студиясининг асосчиси ва бадиий раҳбари ҳамдир. Бу театр-студияда О. Табаковнинг содиқ талабалари ижод қилишади.

Минглаб томошабинларнинг севимли актёри Олег Табаков ҳозир театр ва кинода талай янги роллар устида ишламоқда. Чапдаги суратда унинг МХАТ саҳнасида П. Шефферт-нинг «Амадей» спектаклида Сальери ролини ижро этаётгани акс этган.

* * *


Иқтидорли хонандани топиш ҳам талантли театр актёрини топишдан енгил эмас. Ўтган йил охирларида «Парнасга йўл» замонавий эстрада қўшиқлари халқаро телевизион фестивалини ўтказган Марказий телевидениенинг мусиқавий программалар Бош редакцияси ва «Сокол» Москва Маркази ходимлари буни яхши англайдилар.

Улар эзгу ишларда омил бўлишини истаган фестивалнинг мақсадини замонавий эстрада қўшиқлари жанрини тараққий эттириш, турли мамлакатлардаги хонандалар ва концерт ташкилотлари ўртасида ижодий алоқалар боғлаш, уларни кенгайтириш, мамлакатимиздаги ҳамда чет элдаги иқтидорли ижрочиларни кашф этиш, деб изоҳлайдилар.

Ўтган йилнинг декабрь ойи ўрталарида Москвадаги «Космос» меҳмонхонасининг конгресс-залида ўтказилган финал турда 12 ижрочи иштирок этди. Халқаро жюри аъзолари томонидан қўйилган баллар бўйича мусиқачи, хонанда ва бастакор Сергей Манукян (СССР) гран при соҳиби бўлди.

Ўнгдаги суратда финал иштирокчиларидан бири, муаллифлик қўшиқлари ижрочиси Виктор Зинчукни кўриб турибсиз.

Суратлар муаллифлари:
А. СОЛОВЬЕВ, Р. ДЕНИСОВ.
(ТАСС сурат лавҳалари).



«ОҚ ЙЎЛ...»

Яқинда тенгдош ёш шоир ва ёзувчиларнинг илк китобларини қидириб, Тошкентдаги ўзбек тилидаги китоблар энг кўп келтириладиган дўконга кирдим. Минг афсуски, бу гал ҳам пештахта ва расталардан истаган китобларимни топмадим. Сотувчи опанинг қошига бориб, нега ёш муаллифларнинг илк китоблари расталарда йўқлигини сўрадим. Чунки китоблар нашриётда чоп этилганлиги ҳақида хабардор эдим.

— Бундай китоблар бир-икки кунда тугаб кетади, — деди сотувчи. — Одатда муаллифларнинг ўзиёқ магазинларимизга ажратилган 100-120 китобнинг ҳаммасини сотиб олиб кетишади.

Сиз суратини кўриб турган ушбу мажмуани қўлимга олганимда беихтиёр ўша суҳбатни эсладим. Келинг, бу ҳақда кейинроқ... Ҳозир ушбу мажмуанинг яратилиши ҳақида сўз юритсак.

Хабарингиз бор, айни пайтда ёш муаллифларнинг ижод намуналари ўқувчиларга етиб бориши учун нашриётда бир неча йиллаб навбат кутиши керак. Бундан бир ярим йилча муқаддам Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси «Ёш гвардия» нашриёти раҳбарияти билан келишилган ҳолда ана шу масалада ёш ижодкорларга ёрдам беришга қарор қилган эди. Навқирон ижодкорлар учун энг яхши қўлёзмалар учун конкурс эълон қилингани эзгу ишнинг дебочаси бўлди. Конкурс шартига кўра ғолиб қўлёзмалар қисқа муддат ичида чоп этилиши лозим эди. Мана, ниҳоят ўша конкурсда ғолиб чиққан муаллифларнинг китоблари чоп этилди.

Бу ўринда Марказқўмнинг ҳамда «Ёш гвардия» нашриёти ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Зеро, тўпламларнинг чиройли безалганлиги, ҳар бир шеърга иложи борича алоҳида саҳифа ажратилганини китобхонларга бўлган ҳурматнинг ифодаси деса бўлади.

Қувониш лозим бўлган яна бир муҳим факт шуки, шеърий тўпламлари чоп этилган Ҳалима Аҳмедова, Равшан Файз, Берди Раҳмат, Замира Эгамбердиева ва бошқа ёш муаллифлар ҳақиқатан ҳам иқтидорли ижодкорлардир. Ўзбек шеъриятининг тадрижини кузатиб бораётган шеърхон улар ижодидан бебаҳра қолса, кўп нарса ютқазади, деб бемалол айтиш мумкин. Ўйлайманки, бу ёшлар ҳали ўзбек адабиётининг ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша оладилар.

Энди сўзимиз бошида эсланган суҳбатга қайтсак. Бу суҳбатни эслашга мажбур қилган нарса «Оқ йўл» мажмуасидаги тўпламларнинг нусхалар сони бўлди. Ҳа, улар минг нусхадагина чоп этилган.

Келинг, саккиз муаллиф китоб дўконларидан ўзлари учун (яқинлари учун ҳам дея қолайлик) юздан китоб харид қилишди, дейлик. Саккиз юз нусха мажмуа муаллифлар тасарруфига киради. Маълумки, Ўзбекистонимизда 6590 дан зиёд кутубхона мавжуд. Шулардан юзтаси ушбу мажмуани ўз фондида сақлашни ихтиёр этса, бор-йўғи юз дона «Оқ йўл» мажмуаси қолади, холос. 14 миллиондан ортиқ ўзбеклар



яшайдиган жумҳуриятимизда шеър ўқиш бахтига муяссар бўлмоқ учун ана шу юз бахтиёрнинг бири бўлишингиз лозим экан.

Тўғри, бундай ҳол учун доимо нашриёт ходимларини айблаш инсофдан эмас. Уларни шундай иш тутишга, нашриётнинг иқтисодий манфаатдорлигини ўйлашга мажбур қиладиган ишлаб чиқариш шароити ҳам айбдор. Билмадим, маънавият ҳақида гап бораётганда кўпроқ иқтисодий фойдани ўйлаш қанчалик асосли. Қолаверса, мен шеърий тўпламлар кўп нусхада нашр этилса, сотилмай қолади, деган фикрга ишонолмайман. Чунки ёш шоирлар тўпламларининг магазинларда сотилмай чанг босиб ётганини учратганим йўқ.

Ҳар ҳолда тўпламлари «Оқ йўл» мажмуасидан ўрин олган барча ёш ижодкорларга биз ҳам оқ йўл тилаймиз.

Амирқул КАРИМ,
ижодкор ёшлар бўлими ходими.

«МЕН АКАМДАН КАТТАМАН»

Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти кичкинтойларга навбатдаги совғани тайёрлади. Болаларнинг севимли шоири Қадам Саидмуродовнинг «Мен акамдан каттаман» шеърий тўпламини нашр этди.

Тўпламдан ёш шоирнинг кейинги йилларда болалар учун ёзган бир қатор шеърлари жой олган. Китобчадаги шеърларни мутолаа қилган сайин қалбингда она юртга ва табиатга муҳаббат, чин дўстлик, юксак орзу тўғён уради. Айниқса шоирнинг «Хоразмга қачон борамиз?» шеъри ёш китобхонларда илиқ таассурот қолдиради:

Узоқ эмас Хоразм,
Минг чақирим орамиз.
Ада қачон биз яна
Хоразмга борамиз,

дейди шоир болаларни кўҳна диёрга чорлаб.

Китобчадаги «Ғаройиб тушлар» туркумидаги шеърлар, айниқса, ҳар бир ўғил ва қизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Ёш шоирнинг бу китобини моҳир рассом Ф. Гамбарова замонавий қилиб безаган.

О. РАЗЗОҚОВ,
ТошДУ талабаси.

ТВ

26 ЯНВАРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 Зоология. Ўрта Осиёдаги судралиб юрувчилар. 12.00 «Сен бу уйни нима учун қурясан?», «Белоқурихa». Телефильмлар. 12.30 Рус адабиёти. Н. А. Некрасов ижоди — рус шеъриятига янги босқичнинг бошланиши. 13.00 «Одам бўлмайди». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 «Дахлсиз уя». «Аҳволлар қандай, қўриқхона?» Телефильмлар. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Ҳиндистоннинг миллий байрами — Республика кунига «Тинчлик ва тараққиёт йўлида». 18.45 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Телетомошабинлар ҳузурида». ЎзТВ сиёсий шарҳловчиларининг Тошкент шаҳар Киров районидаги Фирдавсий номли маҳалла телетомошабинлари билан учрашуви. 20.40 «Ахборот». 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Келинг, очиқчасига гаплашайлик». 23.45 Янгиликлар. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар: «Туманда қолган типратикан», «Ким бўлмаган воқеани айтиб беради», «Кўршапалаклар ҳақида қўшиқ». 9.35 «Юз эллик йилга баробар йўл». Садовскийлар сулоласи ҳақида. 10.45 «Йил фасллари». Январь. 11.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.30 «Бировнинг кўзи билан қараганда». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 Грузия ССР Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти.

* * *

15.45 Австралия иттифоқининг миллий байрами — Австралия кунига. 16.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади. 17.15 «Оқ буғу». Ёқут эртаги. 17.40 Ҳиндистоннинг миллий байрамига. «Кафтдаги нилуфар». Кинопрограмма. 18.40 «Поэзия». В. Лавлинский. 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 Катталар учун мультфильм. 20.05 «Руфь». Бадиий фильм («Тожикфильм», «Бликин дивельд», ГФР). 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.20 «Бир ихтиро тақдири». Телеочерк. 22.35 «Нигоҳ». 00.05 «Валерий Леонтьев Ҳиндистонда». Фильм-концерт премьераси.

● МТ II

12.55 Ҳужжатли фильмлар. 13.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Нон азиз». 4-серия.

* * *

17.30 Мультфильмлар: «Чиғаноқ», «Крем-брюле», «Саҳро кемаси». 18.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. Ленинград телевидение студиясининг кўрсатувлари. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Майдон». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хўроз ва бўёқлар». Мультфильм. 20.45 «Қайтиб келаман». Рассом Н. Гушчин тақдири ҳақида ҳужжатли фильм. 21.25 «Орнамент» рус халқ чолғу ансамблининг концерти. 22.00 Миллатлараро муносабат масалаларига бағишланган публицистик кўрсатув. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Познер олиб боради. 1-қисм. 23.00 Спорт ҳамма учун. 23.15 Миллатлараро муносабат масалаларига бағишланган публицистик кўрсатув. 2-қисм. 24.00 «Иллюзион». «Коленьолик эс-ҳушини йўқотган киши». Бадиий фильм (Италия). Премьера.

ЗАРАР ЎРНИГА ДАРОМАД

Қишда салқин ичимликларга талаб камайиши табиий. Ана шу даврда молиявий зарарнинг ўрнини тўлдириш учун Намангандаги салқин ичимликлар комбинатининг қандолат цехи тўла қувват билан ишлай бошлади. Уни ижарага олган ходимлар маҳсулотнинг етти турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Анъанавий ҳамир маҳсулоти — торт ва печеньелардан ташқари бу ерда зефир ва мармелад ҳам тайёрланмоқда.

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Иштихон аҳолиси эндиликда иссиқ нонларни бемалол харид қиладилар: бу ерда бир кеча-кундузда 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги нон заводининг биринчи навбати ишга туширилди. Бошқа цехлар ҳам битай деб қолди. Корхона ёнгинасида мевазор барпо этилди. Район маркази аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш билан бирга яна бир муаммо — ортиқча меҳнат ресурслари муаммоси қисман ҳал этилади.

(ЎзТАГ).

ҚОР—ТЎКИН-СОЧИНЛИК ГАРОВИ

Она заминга устма-уст қор тушган йили ўт-ўланлар яхши ўсади, ғалла мўл бўлади, мевали дарахтлардаги зарарли ҳашаротлар қирилиб битади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз биринчи қор тушиши билан севиниишиб, бир-бирларига қор хатлар ёзишган. Лекин кейинги пайтларда биз ана шу удумимизни унутиб қўйдик, қордан фойдаланишни эса тамоман эсдан чиқардик. Агар қор дарахтлар тагига тўпланса, улар ўн-ўн беш кун кейин гуллайди, меваси мўл бўлади.


Сўнгги йилларда Тошкентда бодом дарахтлари мева бермай қўйган. Нима учун? Чунки бу дарахт эртароқ гуллайди. Натижада уларни совуқ уриб кетаяпти. Қор уюмлари билан бодомларни муҳофаза этсак, кўзланган ҳосилни олишимиз ҳеч гап эмас.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
кекса журналист.

САВОБ ИШ

Шу йилнинг 10-15 февраль кунлари жумҳуриятимизда Афғонистондан чекланган совет қўшинларини олиб чиқилганлигига бағишланган қатор хайри-эҳсон тадбирларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Тадбирлардан йиғилган тушумлар Афғонистондан ногирон бўлиб қайтган байналмилалчи жангчиларнинг ва ҳалок бўлган «афғон»лар оила аъзоларининг ижтимоий-турмуш шароитларини яхшилаш учун сарфланади.

Ҳайри-эҳсон ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқчи бўлганлар учун пул ўтказиладиган ҳисобни эълон қиламиз: № 006700005 Ташоблсоцбанк МФО 73427.



Гулчеҳра Салоҳова Ҳамза номидаги Фарғона вилояти ижодкор ёшлар марказининг гилам тўқув тўгараги қатнашчиси. Зийрак қиз қисқа вақт ичида ҳунармандчиликнинг бу турини пухта эгаллаб олди. Бугунги кунда ушбу марказнинг йигирмадан ортиқ тўгарагига Гулчеҳра сингари 1500 муҳлис қатнашади. Уларнинг бари ҳозиргача у ёки бу турдаги касб сирларини мукаммал ўзлаштиришга муваффақ бўлишган.

Аъзамжон МИРЗАЖОН сурати.

Луқма

Ёдгорлик... нега очилмаяпти?

Хайрли ишнинг кечи йўқ, дейдилар. Аммо Кештали қишлоғида яшовчилар бир хайрли, савоб ишга қўл урибдилару, асаббузарликка дуч келиб, охири редакцияга мактуб йўллабдилар. Қизиғ-а, савоб ишнинг йўлини тўсувчилар ҳануз орамизда бор-да.

«54 нафар қишлоқдошимиз урушдан қайтмаган эди. Уларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида ҳашар йўли билан ёдгорлик қуриб битказдик. Ёдгорликни очиш тантанасини 1989 йил 7 ноябрга мўлжаллаган эдик. Лекин ижроқўмдан рухсат беришмади. Ўн кундан кейин, йигирма кундан кейин очасизлар, деб ёш болани алдагандек алдашмоқда».

Ёдгорлик нимага очилмаяпти? Улуғ Ватан урушининг II группа ногирони Абдураим бува Болтаевнинг мактуби кишини таажжублантиради. Ахир тайёр нарсани очиш, халқнинг эзгу бир ишини бошқаларга билдиришга тўсқинлик қилишни қандай тушуниш мумкин?

Тўғриси, Пахтачи ноҳиясидаги Свердлов номли жамоа хўжалигига боргунча ҳам кишини бир илинж ушлаб турарди. «Биз боргунимизча ёдгорлик очилган бўлиши керак» деган. Ахир мактубни олгандан бери бир қанча кун ўтган.

Афсус, мана дид билан қурилган ёдгорлик устига материал ёпиб қўйилган. Устини қалин қор қоплаган.

Ёдгорликка кетган маблағ халқ томонидан йиғилган. Қурилиш ишлари ҳам ҳашар йўли билан бўлган. Ёдгорлик нима сабабдан очилмаётганлигининг сабабини ноҳия ижроқўми раисининг ўринбосари Баҳодир Қаюмов шундай изоҳлайди:

— Ёдгорликка номлари ёзилган кишиларнинг ҳақиқатан урушда қатнашганликларини аниқлаш керак эди. Чунки фамилиялар нотўғри кетиши, бирортаси қолиб кетиши ҳам мумкин эди. Кейин одамлар ундай-бундай деб ёзишади. Шундан қўрқиб аниқлангунча тўхтатиб турган эдик. Биз Кештали қишлоқ Советининг ёдгорлик очиш ҳақидаги қарорини кеч олдик. Уларнинг қарорини ижроқўмнинг яқинда бўлган йиғилишида тасдиқладик. Энди бу қарорни тасдиқлаш учун халқ депутатлари Самарқанд вилояти Советига юбордик. Яқинда қарорнинг тасдиғи келса, очиб юборамизда.

Ҳолбуки, қишлоқ Советининг қарорида айтилишича, ёдгорликка номлари ёзилган кишиларнинг кимлиги аниқланган, исм-фамилияларининг тўғрилиги таъкидланган бўлиб, ноҳия ижроқўмидагиларга лойиқ «иш» қолмаган. Фақат уларнинг бир «айб»лари бор. Улар ҳали қурилмаган ёдгорликни олдиндан ижроқўм йиғилишида расман тасдиқлатишмаган. Оҳ, бу қарорлар...

Кишини бир нарса қийнайди. Редакцияга мактуб ёзган Абдураим бува Болтаев бетоб бўлиб, ноҳия шифохонасида ётган эканлар. У кишини кўргани бордик. Аҳволлари жуда оғир. Зўрға нафас олаптилару, ёдгорлик, унинг ҳануз очилмаганлиги ҳақида қийналиб гапирдилар.

Яна нималардир айтмоқчи бўлдилар, аммо чарчаб қолдилар.

Балки ушбу мақола чоп этилмасдан «ҳозиржавоб» ижроқўмдагилар ёдгорликни бориб очишар, ҳеч нима бўлмагандек. Балки кимлардир ушбу ёдгорлик ташаббускорларига тасанно ҳам айтишар, юзларини қизил қилиб. Унда ўша ҳолатда уларнинг Свердлов колхозидаги Кештали қишлоғидагилар олдида ҳурматлари, иззатлари бўладими? Ҳар куни бир-биридан сўраб турган, ёдгорлик очилишининг нима сабабдан кечикишидан хабари бор қўшни қишлоқдагилар-чи? Ахир жойида ҳал бўладиган сабабларнинг юқоригача чиқишига қачон нуқта қўйилади экан-а? Ахир қуйида турувчилар бу «қилиқлари»ни ташламасалар ҳеч қачон халқ ишончига сазовор бўла олмасликларини наҳотки билишмаса? Ахир бу ҳеч бир исбот талаб қилинмайдиган ҳолат-ку.

Баъзи жойларда ёдгорлик қурилиши учун қанча қийинчиликлар бўлаётгани ҳолда, тайёр ёдгорлик очилиши учун бўлган бу асаббузарликни нима деб аташни ҳам билмайсан, киши.

Г. АЛИБОЕВА.
«Ёш ленинчи» мухбири
Самарқанд вилояти.

Саломатлик клуби

Профессор Юмашев услуби

Ҳурматли редакция!

Москвадаги касалхоналардан бирида Георгий Юмашев деган машҳур нейрожарроҳ ишлайди, деб эшитдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот беришингизни сўрайман.

Ш. СУЛТОНОВ.
Тошкент шаҳри.

Муштарийимизнинг бу илтимосига АПН мухбири Сергей САМОЙЛЕНКО томонидан тайёрланган материални ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, бу материал фақат Ш. Султонов саволларига жавоб берибгина қолмай, балки бошқа муштарийларимизнинг ҳам эътиборини ўзига тортади.

Москва шаҳар 67-клиник касалхонаси жароҳатланганлар бўлими раҳбари нейрожарроҳ Георгий Юмашевнинг номи фақат мамлакатимизда эмас, жаҳоннинг кўпгина элларида ҳам машҳурдир.

Юмашев Москвадаги юз ўринли бўлимда орқа мия жароҳатланишидан шол бўлиб қолган беморларни операция қилади. У операция қилиш учун бошқа мамлакатларда ҳам тез-тез бўлиб туради. Греция, Испания, Италия, АҚШ, Швеция, Швейцария, Финляндия ва бошқа мамлакатлардаги шифо топган кишилар ундан жуда миннатдордирлар. Профессорни Мексика ва Янги Зеландияга ҳам таклиф этишган.

Шифолашнинг совет услуби бўйичалик оммавийлик касб этишининг боиси нимада?

Г. Юмашевнинг ўзи ҳикоя қилишича, 40-йилларнинг бошида Оврупада маълум мактаб яратган немис врачи Гутман катта обрў қозонган. У орқа мияси жароҳатланган кишиларни умуман операция қилишни маслаҳат кўрмаган. Уларнинг ҳаракат қилишлари учун энг муҳими махсус аппаратлар, аравачалар ва ҳоказолар билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблаган.

Ҳозир ҳам кўпгина мамлакатларда Гутман назариясига риоя этадилар. «Мен ҳамиша, — дейди Г. Юмашев, — шол бўлиб қолган беморларни оёққа турғазиш учун, ҳатто кичик бўлса ҳам, мавжуд имкониятдан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаб келганман».

1964 йилда ана шу муаммони ишлаб чиқишни бошладим, — деб сўзида давом этади Юмашев. Бунга қадар қарийб 2000 операция ўтказган бўлсам ҳам, аммо орқа мияга қўл урмаганман. Бу ғоят мураккаб муаммони ҳал этишга илмий ва руҳий ёндашишга ҳаракат қилдим. Менгача жарроҳлар орқа мияга қўл уришга журъат этмадилар. (Тўғри, 1951 йилда америкалик жарроҳ Фриман полиция томонидан қўлга олиш пайтидаги отишма туфайли орқа миясининг ўнг умуртқасига ўқ теккан жиноятчини ана шундай операция қилган. Операция муваффақиятли чиққан. Бироқ бу тажриба ўша пайтда оммалаштирилмай қолган).

Мен ўзимнинг дастлабки операциямни 1977 йилда амалга оширгандим. Ҳозир эса уларнинг миқдори 500 дан ортиқ. Шундай операциянинг турли хил вариантларини, уларни амалга ошириш журъаткорлиги миқдорини дунёдаги бошқа мамлакатлар билан қиёслаб кўрдик. Бизнинг услубимиз илғор. Бизга бўлган катта қизиқишнинг боиси ҳам мана шундан.

— Услубингизнинг моҳияти нимадан иборат?

— Бош миядан бошланадиган орқа мия зарарланса, ҳаракатланган қисмнинг қуйидаги барча асаб «тола»лари бош асаб системасидан келадиган сигналларни қабул қила олмайди, ҳаракат қилиш ҳам, сезиш ҳам бўлмайди, киши шол бўлиб қолади. Фриманнинг дастлабки тажрибаси ва бизнинг назария бўйича, соғлом асаблар зарарланган қисмининг пастида жойлашган ўша орқа миянинг соғлом қисми билан туташтирилади. Шундай қилиб, ўзига хос кўприк ҳосил қилинади. Тирик асабнинг ҳужайралари орқа миянинг ўша қисмида аста-секин ўса бошлайди, яъни шундай қилиб четдаги асаб системасининг марказга силжишни узатиши содир бўлади. Шундай қилиб, бош мияда импульслар, сезишни узатиш, ҳаракат қилиш ва бошқа аъзоларнинг ишлаши юзага келади.

Муваффақиятли чиққан операциядан сўнг беморнинг аҳволи яхшиланиб бориши орқа миянинг нимадан ва қандай ўрни шикастланганлигига боғлиқ бўлади. Ахир асаб бир кеча-кундузда бир миллиметр ўсади. Масалан, асаб бўйиндан то белгача ўсиши учун неча йил талаб қилинади? Икки-уч йил.

— Сиз турли хил вариантдаги операцияларни амалга ошираяпман, дедингиз, шу ҳусусда сўзлаб берсангиз.

— Бизда ихтиролар ва кашфиётлар кўп. Улар жами 40 хил операцияни ташкил этади. Биз уларни мунтазам такомиллаштириш, натижаларини яхшилаш мақсадида турини ўзгартириш йўлидан бораяпмиз. Айтайлик, ҳозир макро қобирға асаблари асабларнинг учидан озиқланиб яшай бошлайдиган услубни қўлламоқдамиз. Бунда асабга орқа мияни четлаб ўтиб, ҳаракат қилиш имконияти берилади. Бундай операциялар натижасида четдаги асаблар яхши ва тез ўса бошлайди. Биз иккита ана шундай операцияни амалга оширдик.

Сўнгги вақтларда ғоят мураккаб, айтиш мумкинки, ноёб бўлган операцияларни амалга оширдик. Бунда орқа мия асабининг учи иккинчи асаб учи билан уланади. Бундай операцияни ҳозирча фақат биз амалга ошираяпмиз. Операция пайтида жароҳатланган орқа миянинг чандиқ бўлиб қолган тагги олиб ташланади. Бу операцияларнинг усулларини Симферополдаги Қрим медицина институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқдик. Ҳозиргача 12 бемор орқа мияси асабларининг учи билан учи туташтирилган. Фикримча, уларнинг аҳволи қониқарлидир.

Эътиборга лойиқ бошқа ечимлар ҳам бор. Лекин ҳозир улар тўғрисида гапиришга вақт эрта.

Юмашев 293 беморда тадқиқот ўтказиб, қуйидагича статистик маълумотлар олди: яхши ва қониқарли натижалар 50 фоизни ташкил этади. Мана шунинг учун ҳам бу соҳада кураш олиб боришга арзийди, деб ҳисоблайди профессор.

Операция қилингандан сўнг, организмнинг ҳаёт қобилиятини тиклаш жараёни учун беморларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ғоятда муҳим. Айтиш мумкинки, улар шифо бағишловчи жисмоний тарбия билан умрбод машғул бўлишлари зарур. Москва клиникасида яхши жиҳозланган шифолаш жисмоний тарбия хонаси, сув ҳавзаси бор. Асл ҳолга қайтаришнинг дастлабки босқичи уч ойга мўлжалланган. Беморлар билан юқори малакали мутахассислар Н. Темнов ва В. Тихонов шуғулланадилар. Бу тиббий кўмак беморларга ҳаракатланишни ўргатиш, уларга бундан кейин ўзларини қандай тутишлари лозимлиги юзасидан йўл-йўриқлар беришга қаратилган.

Ўзининг 72 ёшини нишонлаётган профессор Юмашев ғоят фаоллик кўрсатмоқда. У ҳафтада уч маротаба операция қилади. Бу операциялар ўзининг мураккаблигига қараб ҳар бири тўрт соатдан то 7 соатгача давом этади. Ўз мутахассислиги юзасидан китоб ёзмоқда, тиббий ўқув муассасаларида лекциялар ўқийди. Биринчи Москва медицина институтида травматология ва ортопедия кафедрасига бошчилик қилаётир, кўп вақтини ўзининг шогирдларига ажратади. — Клиникада шогирдларим кўп, — дейди Г. Юмашев. — Шулардан камида 8 ёш жарроҳ орқа мияни муваффақиятли операция қилаяпти. Эндиликда пенсияга хотиржам чиқиб кетишим мумкин. Чунки ўринбосарларим бор.

«Ёш ленинчи»
МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
Д — 2318.
Р — 03059.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.